RESPUBLIKA
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2009-yil Dekabr

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan ● E-mail:urmvd@inbox.uz ● №51(3841)

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида

*Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган*
*Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган*

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 17 декабрь
№ ЎРҚ – 234

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҚАҚИДА

*Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган*
*Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **204¹-модда** билан тўлдирилсин:

**«204¹-модда. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик**

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келса, шунингдек атроф табиий муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яшириш, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки улар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «204» рақамидан кейин «204¹» рақами билан тўлдирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **249¹-модда** билан тўлдирилсин:

**«249¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари**

Ушбу Кодекснинг 204¹-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 15 декабрь
№ ЎРҚ–230

# Йўлингиз бехатар бўлсин!



**Суратда: Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБ 2-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори, кичик сержант Акром Холматов хизмат пайтида**

Эътироф

# ЭЗГУЛИК ПОЙДЕВОРИ

*Тараққиётнинг ўзбек модели деб тан олинган йўлидан оғишмай буюк келажак сари*

**Агар жаҳонда юз бераётган жараёнларни синчковлик билан кузатиб, ақл-идрок билан фикр-мулоҳаза юритмасангиз, ўзгариш ва янгиликларни сезмайсиз, ҳақ билан ноҳақликни ажрата олмайсиз, бугунги мураккаб дунёнинг моҳиятини тушунмайсиз. Булар ҳар бир инсон учун жуда ҳам зарур тамойиллар бўлиб, ўзинг ва ўзгалар ҳақида тўғри хулоса чиқариш ҳамда ҳаётнинг қадрига етиш учун имконият яратади. Акс ҳолда инсон ўзгаларга маҳлиёлик дардига мубтало бўлади. Биз ўзимизга ҳам маҳлиё бўлмаслигимиз керак. Фақат холис хулоса чиқаришга ўрганайлик.**

Ана шу фикрдан келиб чиқиб, мамлакатимизда 2007 йилда юзага келган иқтисодий-ижтимоий вазият, сиёсий кўтаринкилик, халқаро эътироф, шундай ҳолатда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, халқ ишончининг сабаб ва самаралари, кейинги икки йилда ҳаётимизнинг турли жабҳаларида юз берган ўзгаришлар хусусида мулоҳаза юритмоқчимиз. Бизнинг фикр-мулоҳазалар ҳаётий мисолларга асосланади.

Яхши биламизки, бизнинг мустақил тараққиёт йўлимиз Юртбошимиз белгилаб берган бешта тамойилга асосланган. Ана шулардан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдир. Аслида бу миллий қадрият даражасидаги тамойилдир. Президент сайлови ўтказиладиган йил Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бу масалага жиддий эътибор берилган бўлса, ижтимоий ҳимоя йилида кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, бева-бечоралар ва етим-есирларга, ёлғизлар ва ногиронларга, умуман, муҳтожларга ёрдам бериш юзасидан дастур ишлаб чиқилди ва унинг ижроси давлат назорати остига олинди. Бу назорат ҳамон ўз кучини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ҳукумат бу борада кўраётган чора-тадбирларга турли корхона, муассаса ва ташкилотлар, ҳомийлар, саховатли инсонлар мададкор бўлишяпти.

Яқинда мен саксондан ошган момо – Тошкент вилоятининг Қибрай тумани марказида яшайдиган биринчи гуруҳ ногирони Хайринисо Шайдуллаева билан суҳбатлашдим. У ўз уйи ва фарзандлари бўлмагани учун жиянининг уйида яшарди. Эътибор ва ғамхўрлик туфайли ҳукумат томонидан бир хонали уй ажратилди. Онахон ҳозир ўз уйида яшаяпти. Хайринисо момо дуога қўл очиб дейди: «Биздек ногиронларга кўрсатилаётган ёрдам ва ғамхўрлик учун шукур, халқнинг орасида меҳр-оқибат ортиб бораётганига шукур, илоё Юртбошимиз омон бўлиб, юртимизда бундан кейин ҳам савоб ишлар кўпаяверсин!» Агар Ижтимоий ҳимоя йилида ишлаб чиқилган давлат дастури билан танишсангиз, аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга ҳамда кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ самарали ёрдам кўрсатишга урғу берилганлиги эътиборингизни тортади.

Хабарингиз бор, 2007 йилда «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир» номли китоби босмадан чиқди. Тўғриси, уни ўқиб ҳам босиб ўтилган йўл таҳлили, ҳам сайловолди дастури сифатида қабул қилдик. Мен унинг мақсад-моҳиятига эътибор қаратишдан аввал «ишёқмас-дангаса» халқ ва «боқиманда» республика деб камситилган бир шарҳни эслатиб ўтмоқчиман. Бу шарҳ 1991 йилда «Аргументы и факты» ҳафталигининг 39-сонида босилган эди.

Сохта ҳисоботларга асосланган бундай шарҳдан кўзланган мақсад мустақилликка эришган республика энди очарчилик гирдобига тушиб қолади деб «башорат» қилиш эди. Ўтган йилларда бизнинг халқимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларида бундай башоратларнинг барчасини йўққа чиқарди. Ҳозир Ўзбекистон иқтисодий тараққиётда, тўкин-сочинликда, истеъмол бозорини таъминлашда собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мустақил давлатлар ўртасида пешқадамлардан бири. Буни кўп давлатларнинг раҳбарлари эътироф этишяпти. Ўтган ҳафтада «Вести» телеканалида Ўзбекистонга дахлдор муҳим бир тасвирни кўрдим. Президент Д. Медведев Россия Федерациясининг Ўзбекистонга тайинланган янги элчисини қабул қилиб, қатъий топшириқлар берди. Жумладан, Ўзбекистон интенсив равишда тез суръатлар билан ривожланиб, тараққий этиб бораётган давлат, ўзаро ҳамкорликни, айниқса, савдо-сотиқни юксак даражага кўтариш Россия учун катта наф келтиради, бунда элчи сифатида сизнинг зиммангизга алоҳида масъулият юкланади, деди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда ўзгаларнинг эътирофларини эшитиш яхши, албатта. Баъзан қизиқ ҳолатга дуч келасиз. Бундан нафақат ўн етти-ўн саккиз йил, балки уч-тўрт йил олдин ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи ҳақида шубҳали шарҳлар билан чиқиш қилган нашрлар бугун ютуқларимизни тан олиб ёзишяпти. Яқинда ана шундай нашрлардан бири Ўзбекистонни улкан имкониятлар мамлакати деб таърифлаб, олтин захираси ва уни қазиб олиш, пахта толаси етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бири эканлигига урғу берибди. Шунингдек, нефть ҳамда газ захиралари, мармар ҳамда гранит конлари кўплигини алоҳида таъкидлаб ўтибди. Хорижлик кузатувчилар мамлакатимизда машинасозлик, қурилиш материаллари тайёрлаш ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам тез суръатлар билан ривожланаётганини эътироф этишмоқда.

Бугун биздаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўлами ҳамда транспортнинг тараққиёт даражаси жаҳондаги энг ривожланган давлатлар эришаётган натижалардан қолишмайди. Икки йил олдин Ҳазрати Имом мажмуасини қайта бунёд этиш бўйича қилинган савоб ишлар, янги масжиднинг улуғворлиги билан фахрланган бўлсак, бу йил Халқаро анжуманлар саройи пойтахтимиз кўркига кўрк қўшди. Бунёд этилган бинолар, вокзаллар, автобекатлар ва хиёбонларнинг саноғига етолмайсиз, қурилган темир йўл ҳамда автомобиль йўлларнинг эса адоғига етолмайсиз. Ишга туширилган «Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус» ҳамда «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» темир йўллари эса мўъжизанинг ўзи. «Андижон – Қўнғирот – Бейнов» автомобиль йўлида амалга оширилаётган ишларни кўрсангиз кўзингиз қувонади.

Ана шуларни ўйлаганда Юртбошимизнинг юқорида биз айтиб ўтган ва сайлов йилида нашр этилган китобидаги Ўзбекистонни фақат арзон хом ашё маконига айлантиришга қаратилган бирёқлама ва ночор иқтисодиётдан, миллатимизнинг руҳи ва табиатига бегона бўлган, унинг шаъни ва ғурурини таҳқирлаб келган мафкурадан бутунлай воз кечиб, замонавий тараққиёт сари дадил қадам қўйганимиз бу ютуқларнинг асосий мезони ва омили бўлганлиги ҳақидаги фикрлари беихтиёр ёдга тушади. Бу ҳақиқат ҳамон бизни келажак сари собитқадамлик билан йўл босиб, янги марраларни эгаллашга ундаб турибди.

**(Давоми. 2-бетда).**

Миннатдорлик

**Шу йил 9 декабрь куни шахсий машинамда оила аъзоларим билан Урганч шаҳридаги яқин қариндошимизникига меҳмонга борган эдим. Қайтишда ҳаво совиб кетди. Изғирин ўз таъсирини ўтказиб, ёнилғининг қотиб қолиши натижасида мотор бирдан ўчиб қолди. Олов ёқиб, моторни ўт олдиришга ҳарчанд уринмайин фойдаси бўлмади. Фарзандларим онасининг пинжига тиқилишганча совуқдан дир-дир титрашарди. Чор-атрофни зулмат қоплаган, машиналар қатнови ҳам камайганди. Бунинг устига, биз тўхтаб қолган жой атрофида аҳоли яшаш масканлари йўқ эди.**

## ИЗҒИРИНДАН ОМОН ҚОЛДИК

Шу пайт ёнимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати сўзлари ёзилган машина тўхтаб, ундан тушган истараси иссиқ ички ишлар ходими аҳволни билиб, дарҳол хотиним ва болаларимни машинасига ўтқазди. Сўнг қаергадир қўнғироқ қилиб, машина юборишларини сўраб, манзилни айтди. У оила аъзоларимни уйимгача олиб бориб қўйди ҳамда бузилиб қолган машинамни автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасигача кузатиб борди. Касбига бўлган садоқати, одамларга ёрдам бериш иштиёқи уни хайрли ишга бошлади. Ички ишлар идоралари сафида бундай фидойи, олижаноб ходимлар кўпчиликни ташкил этишига ана шунда яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Беруний тумани ИИБ ЙҲХБ маъмурий амалиёт инспектори, катта сержант Юлдаш Тожимовга кўрсатган беминнат ёрдами учун оила аъзоларимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

**Алишер РЕЙИМБАЕВ.**
*Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳри.*

## Халқаро алоқалар

# САЙЛОВЛАР КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

**Маълумки, мамлакатимиз муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов арафасида турибди. Бўлажак сайловни ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу муҳим сиёсий воқеага халқаро ҳамжамиятнинг қизиқиши катта.**



Сайловларни ҳаққоний, демократик принципларга асосан ўтишини халқаро кузатувчилар кузатиб боришади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюросининг халқаро кузатувчиларидан иборат миссияси аъзолари ташриф буюришди.

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, полковник Улуғберди Нарзуллаев ҳамда ИҲҲҚ ва ЮТБ бошлиғи, подполковник Илҳом Турғунов мазкур миссия аъзолари, тадқиқотчи Клаудия Фольмер (Германия) ва хавфсизлик масалалари бўйича масъул Леван Матиашвили (Грузия)дан иборат меҳмонларни қабул қилишди.

Миссия аъзолари сайловолди ҳамда сайлов ўтказилиши жараёнида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан кўрилаётган хавфсизлик чора-тадбирлари хусусида қизиқиш билдиришди.

Полковник У. Нарзуллаев ўз сўзида жорий йилнинг август ойидаёқ сайловни ўтказиш давомида хавфсизликни таъминлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилгани ва ана шу асосда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини айтди. Таъкидланганидек, сайлов участкаларида ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш учун барча имкониятлар ишга солинади. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан тезкор ва профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Шу ўринда ички ишлар идоралари ходимлари билан кенг жамоатчилик ўртасидаги ўрнатилган мустаҳкам алоқа хусусида ҳам сўз борди. Шунингдек, халқаро ташкилот ва кузатувчилар учун махсус транспорт воситалари ажратилгани ва уларнинг хавфсизлиги масалалари бўйича ҳам белгиланган чоралар кўрилгани айтиб ўтилди.

Ўз навбатида Клаудия Фольмер юртимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолаб, алоҳида эътироф этди. Меҳмонлар ўзларини қизиқтирган саволларга муфассал жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Суратда: учрашув пайти.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

## Давра суҳбати

**Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан бири – жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини эса оммавий ахборот воситалари фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, матбуотчилар юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлаш жоиз.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА

Куни кеча пойтахтимиздаги «Dedeman» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул вакиллари, босма оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони А. Орипов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори ўринбосари А. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломовларнинг маърузалари тингланди. Шунингдек, иштирокчилар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, Омбудсман институти фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакат ва фуқаролар ҳаётидаги ўрни, босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлари орқали инсон манфаатлари таъминланишида журналистларнинг масъулияти ҳақида сўз юритилди.

Маълумки, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлари, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида анъанавий «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ижодий танловини ўтказиб келмоқда.

Танловдан кўзланган мақсад юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган демократик жараёнларни босма ОАВ ларида ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдан иборат.

Давра суҳбатида кўрик-танловнинг бу йилги ғолиблари эълон қилинди. Ғолиб ва совриндорларга Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Таъкидлаш жоизки, республика ИИВ Бирлашган таҳририятининг Жиззах вилоятидаги жамоатчи мухбири Р. Сибгатуллин ҳамда Тошкент вилояти ИИБ матбуот гуруҳи инспектори, лейтенант Х. Рўзиев кўрик-танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлишди.

**Ф. АЗИЗОВ.**

## Семинар-йиғилиш

# МУҲИМ МАВЗУ МУҲОКАМАСИ




**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида «Қийин ёнувчан материалларни яратиш, ёнғиндан хавфсиз полимер ва пардозлаш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муаммолари» мавзуида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги илмий институтлар, илмий-тадқиқот марказларининг етакчи олимлари, илмий ходимлар, республикамиздаги кўплаб олий ўқув юртларининг шу соҳа бўйича профессор-ўқитувчилари, ИИВ ЁХББ ходимлари, Ўзбекистон Тадбиркорлар уюшмаси сингари бир қатор тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.**

Семинар-йиғилишни мактаб бошлиғи, генерал-майор Матрасул Собиров кириш сўзи билан очиб, тадбирнинг мақсади ҳақида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бошлиғи ўринбосари, майор Азиз Икрамов сўз олиб, ёнғинларнинг олдини олиш борасида эришилаётган ютуқлар ҳамда долзарб вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Мактаб бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Д. Исроилов ҳамда илмий-тадқиқот маркази бошлиғи, доцент, полковник М. Усмоновнинг бу борадаги фикр ва мулоҳазалари барчанинг диққатини тортди.

Тадбирда ИИВ ЁХББ лабораторияси ҳамда ЁХОТМ илмий-тадқиқот марказида сертификатланган ускуналар ёрдамида ёнғиндан хавфсиз буюм ва материаллар кўрсаткичларини аниқлаш юзасидан бугунги кунда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва амалий ишлар, шунингдек, мавжуд муаммолар кенг муҳокама қилинди.

Илмий жамоатчилик ва тадбиркорларни ёнғиндан хавфсиз полимер, олигомер антипирен асосидаги композицион материаллар ва маҳсулотларни халқ хўжалиги соҳасига татбиқ этиш муаммолари, бу борада Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, ишлаб чиқариш корхоналари, илмий жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигини янада кучайтириш, ривожлантиришда ўзаро ҳамжиҳатликни ифода этган семинар сўнггида иштирокчилар мактаб илмий тадқиқот марказида бўлдилар. Улар марказ бошлиғи, доцент, полковник М. Усмонов томонидан ихтиро қилинган ва синовдан ўтказилган ёнғин ўчиришнинг янги авлоди – мураккаб ёнғинларни жуда яқин масофадан туриб ўчириш имконини берувчи қурилма – ҳимоя экранларининг қўлланиши ва имкониятлари билан танишишди.

**Умида БОЛЛИЕВА,**
**«Постда» мухбири.**

## Матбуот анжумани

**Тошкент вилояти ИИБда республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан ёнғинларни ва уларда фуқароларнинг тан жароҳати олиб, ҳалок бўлиш ҳолатларининг олдини олиш, ёнғин ўчириш қисмлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг жанговарлигини ошириш» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда ИИВ ЁХББ, Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати раҳбарлари, масъул ходимлар, мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

# ҚИЗҒИН МУЛОҚОТГА АЙЛАНДИ

Анжуманни республика ИИВ ЁХББ бошлиғининг 1-ўринбосари, полковник И.Юлдашев кириш сўзи билан очиб, шахсий таркиб томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, шу йилнинг 23 ноябридан 23 декабрига қадар республикамиз ҳудудида ўтказилаётган "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"нинг бориши ҳақида сўз юритди. Таъкидлаш жоизки, жойлардаги текширувлар давомида ёнғин назорати ходимларининг кўрсатмаларини бажармаган 66 минг 723 нафар раҳбар, жавобгар шахслар ва фуқароларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилган, 22 мингдан ортиқ корхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилган, 171 мингдан ортиқ ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланган.

Маълумки, декабрь ойида мамлакатимиз ҳудудига пиротехник маҳсулотларни олиб кириш, сақлаш ва сотиш ҳолатлари бироз кўпаяди. Соҳа ходимлари шу кунгача 200 мингдан ортиқ салют, петарда ва бошқа пиротехник воситаларни белгиланган тартибда мусодара қилишган.

Қизғин мулоқотга айланган анжуман иштирокчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига республика ИИВ ЁХББ бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник М. Мирфайзиев, бошлиқ ўринбосарлари, полковниклар И. Юлдашев, Т. Наджимов, майор А. Икрамов ва бошқа масъул ходимлар жавоб бердилар.

**М. ИБРАГИМОВА.**

*Тошкент вилояти.*

## Эътироф

# ЭЗГУЛИК ПОЙДЕВОРИ

***Тараққиётнинг ўзбек модели деб тан олинган йўлидан оғишмай буюк келажак сари***

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Бир пайтлар қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини 56 фоиздан ошира олмади деган тамға босилган халқ бугун юртни пахтаю донга, мева-чеваю сабзавотга кўмиб юборди. Ҳозир қишлоқ хўжалигида режа бажарилмаган тармоқнинг ўзи йўқ. Бунга Президентимизнинг икки йил олдин қабул қилган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори яна ҳам таъсирчан туртки берди. Кейинги уч йилдан бери кам таъминланган оилаларга қорамол тарқатиш йўлга қўйилди. Юртимизда сут булоғи тошиб кетди, дўконлар ва бозорлар гўштга тўлиб кетганидан халқимиз музлатилган гўшт ни малигини унутиб қўйди. Албатта, тинчлик-осойишталик ва бунёдкорликнинг қадрига етадиган юртга тўкинчилик, мўл-кўлчилик ярашади.

Яна бир ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатда тутган йўли халқаро ташкилотларнинг ҳамда жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборига, эътирофига сазовор бўлмоқда. Жумладан, бундан бир ярим йил олдин баъзи бировлар турли баҳоналар билан Ўзбекистонга тош отиб турган бир пайтда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси Александр Стубб Ўзбекистон томонидан айрим халқаро аҳамиятга эга ҳужжатлар ратификация қилинганидан ҳам, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш бўйича киритилган таклифдан ҳам, турли йўналишда ислоҳотларни давом эттиришда олиб борилаётган ишлардан ҳам мамнуният изҳор этди.

Бизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигимиз жуда мустаҳкам ва кенг қамровли. Қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва дунёга танитиш, миллий, диний ва маънавий қадриятларимизни тарғиб қилиш, халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини баҳолаш ва бундан кейинги тараққиёт масалаларида бу халқаро ташкилот билан яқин ҳамкорлигимиз изчил давом этмоқда. Бундан уч йил олдин ЮНЕСКО Бош директори К. Мацуура Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга бу халқаро ташкилотнинг олтин медалини топширар экан, ўзининг дил сўзларини ифодалаб шундай деган эди: «Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Ҳар сафар келганимда юртингизда улкан бунёдкорлик ишларининг самараларига, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётда юз бераётган кенг кўламли ўзгаришларга гувоҳ бўламан».

Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти номини олганлиги ҳам Президент сайлови ўтказилган йилга тўғри келди. Бу бугунги ислом олами томонидан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва аз-Замахшарий ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларнинг инсоният цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасининг эътироф этилишидир. «Ўз навбатида, – дейилади Мисрдаги машҳур «Ал-Азҳар» мажмуаси шайхи, бош имом Муҳаммад Саййид Тантовийнинг давлатимиз раҳбарига йўллаган табригида, – Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани Сиз Жаноби Олийларининг илм ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислом цивилизациясини сақлаб қолиш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингиз араб ва ислом мамлакатлари томонидан тан олинишининг яққол далили бўла олади». Аслида бу изоҳга ҳожат йўқ баҳо, фикр, эътироф бўлиб, иймон-эътиқодли халқимиз дилидаги ҳис-туйғу ва ишонч билан ҳамоҳангдир. Юртбошимиз нафақат мамлакат ичкарисида, балки халқаро миқёсда ҳам исломни ҳимоя қилиб, асоссиз равишда унга тош отиб, тамға босаётганларга зарба бераётганидан яхши хабардормиз.

Атиги икки йил олдинги сайловни тилга олар эканмиз, хаёлимдан 1991 йилнинг декабрь ойида бўлган сайлов ўтди. Президентликка номзод Ислом Каримов ўшанда умумхалқ овоз бериши арафасида «Халқ сўзи» газетасига интервью бериб шундай деган эди: «Яхшилик нур келтиради, ёмонлик зулмат, дейдилар. Ўзбекистоннинг келажаги яхшилик пойдеворига қурилмоғи шарт. Чунки, фақат яхшилиқ боқий яшайди. Одамларнинг одамларга яхшилиги! Юртларнинг юртларга яхшилиги! Миллатларнинг миллатларга яхшилиги! Бугуннинг келажакка яхшилиги! Бу Ўзбекистоннинг шиоригина эмас, даъватига, чақириғига, хислатига айлансин. Яхшилик қилган миллатни ҳурматлаш, яхшилик қилган авлодни эъзозлаш тафаккур оламининг қуёшига айлансин!»

Демак, ўшанда танланган йўл шиоргина бўлиб қолмасдан, ҳаётга нурафшонлик бағишлаётган яхшиликлар пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**журналист.**

## Хабар

**Тошкент шаҳрида республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган «Мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни республика Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор К. Аҳмедов кириш сўзи билан очди.**

# ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛДИ

Айтиш жоизки, жорий йил мобайнида вазирлик томонидан вилоятларда дарё ва сойлар ўзанларини тозалаш, қирғоқ ҳамда гидротехник иншоотларни мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди, шунингдек, тиббий-биологик муҳофаза бўйича фаолияти республика ҳудудига четдан ўта хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш, эпидемик, эпизоотик ва эпифитотик барқарорликни таъминлашга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, амалга ошириш, назорат қилиш ҳамда бу борада фаолият юритувчи вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришга қаратилди.

Фуқаро муҳофазаси институтида 2009 йил мобайнида 1208 нафар тингловчи фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тайёргарликдан ўтказилди. Вазирлик ҳудудий бошқармаларининг аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари томонидан жойларда содир бўлиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш борасида корхона, ташкилот, ўқув таълим муассасалари ва маҳаллаларда жами 1038 маротаба суҳбатлар ўтказилди.

Анжуманда шу ва бошқа масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилди.

**Ф. АБДИЕВ.**

## Эъзоз

# ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ



Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонида узоқ йиллар хизмат қилиб, умрини халқимиз тинчлиги ва осойишталигига бағишлаган катта сержант Иброҳим Абдураҳмоновни тантанали равишда нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан батальон командирининг ўринбосари, подполковник Ў. Отақулов ва бошқалар И. Абдураҳмоновнинг фаолиятига алоҳида тўхталиб, бу ходим сидқидилдан хизмат қилиб, жамоада обрў-эътибор топгани, кўплаб шогирдлар етиштиргани, унинг ҳаёт йўли ёшлар учун ўрнак бўлиб қолишини таъкидлашди.

Маросимда И. Абдураҳмоновга урф-одатимизга кўра тўн, дўппи кийгизилиб, эсдалик совғалари топширилди.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.**
**Суратда: тадбирдан лавҳа.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

## Тадбир

**Ҳамза тумани ИИБ ходимлари Авиасозлар коллежи ўқувчилари билан учрашув ўтказишди. Уни коллеж директори Қобил Юлдашев кириш сўзи билан очиб, тадбирдан кўзланган мақсадга тўхталди.**

# ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Шундан сўнг туман ИИБ тергов бўлими бўлинма бошлиғи, майор Абдусаттор Бўрихўжаев Баркамол авлод йили ҳақида сўзлади. Вояга етмаганлар орасида турли ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар содир бўлмаслиги, улар билиб-билмай гиёҳвандлик ботқоғига ботиб қолмасликлари учун нималарга эътибор беришлари лозимлигини айтиб ўтди.

Туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Фарҳод Жўраев пиротехник воситалар ҳақида гапирди. Ота-онаси, ўқитувчиларнинг гапига кирмай, ушбу портловчи моддалардан фойдаланиб, турли даражада куйиш жароҳати олган болаларнинг суратлари кўрсатилди. Шунингдек, айни пайтда республикамизда давом этаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ҳақида маълумот берди. Йил бошидан буён туман ҳудудида рўй берган ёнғин ҳодисаларини баён этиб, уларни ўқувчилар билан бирга таҳлил қилди.

Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Рашид Маткаримов ҳар бир ёшни илм олиш, билимдон ва зукко бўлишга чақирди.

**Гули Нигор АВАЗОВА,**
**«Постда» мухбири.**

*Тошкент шаҳри.*

## Юксак мукофот соҳиблари

# ЭЛ-ЮРТГА СОДИҚ ЎҒЛОН

**Қоқ ярим кечаси Данғара шаҳарчасидаги Файзулла Хўжаев кўчасида жойлашган хусусий дўконда ўғирлик содир этилди. Номаълум шахслар атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, калит танлаш йўли билан ичкарига киргану энг сўнгги нусхадаги компьютер жамламасини ўмариб кетишганди.**

Изқуварлар воқеа жойини синчковлик билан обдон кўздан кечирдилар. Аммо жиноятни фош этишга умид уйғотувчи ҳеч вақо топилмади.

– Афтидан бу пихини ёрган кимсаларнинг ишига ўхшайди, – деди туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, капитан Мўминжон Эргашев ўйчан оҳангда. – Уларни аниқлагунча анча овора бўлсак керак.

Профилактика инспектори, капитан Аъзамжон Калонов ҳамкасбига эътироз билдирди.

– Сувни кўрмай туриб этик ечмайлик. Шундай гавжум кўчада уларнинг хатти-ҳаракатидан ҳеч ким воқиф бўлмай қолиши асло мумкин эмас.

Шундай қилиб, шу кўчада жойлашган ҳар бир хонадонга бош суқишга, мабодо бу кутилган натижани бермаса, қўшни маҳаллаларда истиқомат қиладиган фуқаролар билан ҳам бирма-бир суҳбатлашиб кўришга қарор қилишди.

Шу куни пиёда юраверганлиги учун уларнинг оёқлари қавариб кетганлиги рост. Аммо ўзининг шахсини ошкор этмасликни илтимос қилган фуқаронинг гапларини эшитишгач, бутун вужудларини қамраб олган чарчоқни бирданига унутишганлиги ҳам бор ҳақиқат.

– Кечаси соат бирларда дўкон ёнида оқ рангли «Нексия» турганлигини кўрганман. Бошқа ҳеч нарса билмайман, – деди ўша фуқаро.

Шундан кейин туманлараро рўйхатлаш-имтиҳон бўлинмаси ходимлари ёрдамида тумандаги барча оқ «Нексия»лар текшириб чиқилгач, гумондаги автомобиль кимга тегишли эканлиги аниқланди.



Капитан Мўминжон Эргашев ҳақ бўлиб чиқди. Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи автомобиль ҳайдовчиси чиндан ҳам макр дарахтининг шохида эмас, балки баргида юрадиганлар хилидан экан. У дастлабки суриштирув пайтида ўзини мутлақо бегуноҳ қилиб кўрсатишга, асосли даъволарни қатъиян рад этишга, шу йўл билан сувдан қуруқ чиқишга роса уриниб кўрди.

Аммо тезкор тадбирлар давомида аниқлаб-топилган гувоҳларнинг кўргазмалари билан таништирилгач, боши қуйи эгилди.

Шу тариқа унинг яна икки нафар жиноий ҳамкори ҳам ИИБга келтирилиб, тергов ҳаракатларига жалб этилди.

Бу Данғара тумани ИИБ профилактика инспектори, капитан Аъзамжон Калоновнинг жиноятчиликка қарши кураш борасида эришган муваффақиятларидан бир лавҳа холос. Унга бириктирилган ҳудудда етти минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туман марказий шифохонаси, «Деҳқон» бозори, «Мастона» масъулияти чекланган савдо маркази ва бошқа бир қанча гавжум масканлар ҳам айнан шу ҳудудда жойлашган. Боз устига, икки нафар шахс маъмурий назорат остида туради. 9 нафар сурункали ичувчи, 10 нафар диний-экстремистик оқимга мансуб ва иккита жанжалкаш оила истиқомат қилади. Ана шуларни инобатга оладиган бўлсак, Данғара шаҳарчасида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ишончли муҳофаза этишнинг ўзи бўлмайди.

Яқинда Аъзамжон эл-юрт равнақи ва тинчлиги йўлидаги хизмат эътиборсиз қолмаслигига амин бўлди. Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан уни Тошкентга – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига таклиф этишди. Шахсан Вазиримиз генерал-лейтенант Б. А. Матлюбовнинг ўзи республиканинг турли минтақаларидан келган ҳуқуқ-тартибот жонкуярлари қаторида капитан Аъзамжон Калонов ҳам Ватанимизнинг олий мукофотига сазовор бўлганлигини эълон қилиб, кўксига «Содиқ хизматлари учун» медалини тақиб қўйди.

– Бир олам қувонч билан қайтиб келсам, уйда ҳам катта шодиёна. Хушхабарнинг қаноти бор деганлари бежиз эмас экан. Отамнинг қўлларида Юртбошимиз Фармони эълон қилинган газета. «Онанг раҳматли тирик бўлганида, қанчалар қувонарди», деди манглайимдан ўпиб. Шунда падари бузрукворим кўзларида ҳам севинч ёшлари йилтиллаётганини кўрдим.

**Раҳмонали ҚОСИМОВ,**
**ўз мухбиримиз.**
*Фарғона вилояти.*

## Иқтидорли ёшлар – истиқболимиз

**Акмал амакиси – ички ишлар ходими майор Эркин ака Тоҳировнинг хизмат кийимида уйга келганда жуда ҳавасланиб қарарди. Ўсиб улғайсам, албатта, ички ишлар идораларида хизмат қиламан, дея орзу қиларди. Ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд шаҳридаги компьютер технологияси коллежига ўқишга кирди. Аммо дилидаги орзуси унга тинчлик бермасди. Ички ишлар ходимлари ҳақидаги фильмларни кўриш, улар тўғрисидаги китобларни ўқишни канда қилмади. Унинг қатъий қарорини эшитган ота-онаси орзуси йўлидаги интилишларига оқ фотиҳа беришди.**

# ЮКСАК ОРЗУЛАР САРИ

Акмал Бозоров 2007 йили республика ИИВ Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ҳужжат топшириб, синовлардан муваффақиятли ўтди. Олий курсларда ўқиш давомида соҳага оид китобларни қизиқиб ўқиди. Устозлардан билмаганларини сўрашдан оғринмади.

Ўқишни муваффақиятли тугатиб келгач, у Самарқанд вилояти «Динамо» ЖТСЖ инспектори этиб тайинланди. Бу лавозимида ишлаган даврида шахсий таркибнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини оширишга муносиб ҳисса қўшди. Кейин эса у Самарқанд шаҳар ИИБ ППХ ва ЖТСБ инспектори лавозимига ўтказилди. Жамоат тартибини сақлаш хизматида ёш ходимлар кўпчиликни ташкил этса-да раҳбарият кичик сержант Акмал Бозоровнинг номини бошқаларга тез-тез намуна сифатида кўрсатади.

Юксак орзулар йўлида интилаётган А. Бозоровнинг ички ишлар хизматининг фидойи ходимлари қаторидан ўрин олишига шубҳа йўқ. Унинг бугунги ҳаракатлари иқтидори ва ташаббускорлиги ана шундан далолат беряпти.

**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА,**
**ўз мухбиримиз.**
*Самарқанд вилояти.*



**Суратда:** кичик сержант А. Бозоров хизмат пайтида.
**Муаллиф олган сурат.**

## Ёднома



**Фарҳоджон боғча ёшидаёқ ўз олдига ички ишлар ходими бўлиш мақсадини қўйганди. Бу бежиз эмас, албатта. Аввало, эгнига ички ишлар ходими либосини кийган қариндошларига болаларча қизиқиш ва ҳавас билан боқарди. Кейин эса ўзи гувоҳи бўлган воқеа мурғак қалбида умрбод муҳрланиб, қатъий қарорга келишига туртки бўлди. Ўшанда боғчадан мактабга ўтадиган йили эди.**

# ЧАҚМОҚДЕК ЎТГАН УМР

– Оилавий дам олиш учун Шоҳимардонга бордик, – дея хотирлайди отаси Х. Абдуллаев. – Сой бўйида овқатланиб ўтирсак бир киши биз томонга қочиб кела бошлади. Орқасидан икки нафар ички ишлар ходими қувиб келаётганини кўриб, уни ушлаш учун қўзғалдик. Ходимлар «тегманглар», дея ишора беришди. Қочоқ ўтиб кетгач, сал нарида яшириниб турган яна икки нафар ходим уни қўлга олди. Бир аёлнинг қулоғидаги тилла сирғани юлиб олган талончи шу тариқа қўлга тушди. Воқеани кузатиб турган Фарҳоджон: «Дада, мен ҳам катта бўлсам шу амакиларим каби ички ишлар ходими бўламан», деди.

Холжўра ака кўз ёшларини тия олмади. Жудолик оғир, айниқса, фарзанд доғи ҳар қандай кишини дол қилади.

Фарҳоджон мактабда ўқиган йилларда ҳам ана шу аҳдидан қайтмади. Аввал Наманган иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежида таълим олди. 2004 йили ҳарбий хизматдан қайтгач эса Наманган муҳандислик педагогика институтининг транспорт факультетига ўқишга кирди. Келгуси йили ўқишини сиртқи бўлимга ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига киришга ҳаракат қилди. Учинчи уринишдан сўнг курс тингловчиси бўлган Ф. Абдуллаев у ердан ҳам мактаб, коллеж ва ҳарбий хизматдаги каби ота-онасига ташаккурнома олиб келди. Ўқишни тамомлаб, кичик сержант унвонида Наманган шаҳар ИИБ ХЧК ва ФРБда хизматни бошлади.

Институтни тамомлагач, севган қизи билан турмуш қурди. Ички ишлар идорасидаги икки йиллик фаолияти давомида ўзининг ижобий хислатларини ҳар томонлама намоён этиб, ҳамкасбларининг ҳурматини, раҳбариятнинг эътиборини қозонди.

Афсуски, Муборак рамазон ойининг ўрталарида тарқалган совуқ хабар таниш-билишларни карахт қилиб қўйди. Кўплар бунга ишонмади. Ф. Абдуллаев кетаётган «Дамас»га катта тезликда келаётган «Нексия» автомашинаси урилиб, фожиа юз берганди.

– Фарҳоджон болалигидан тўғрисўз, одобли, қатъиятли ва тиришқоқ эди, – дейди Учтепа маҳалласи оқсоқоли, истеъфодаги майор С. Имомов. – Аксарият ота-оналар фарзандларини ундан ўрнак олишга чақирарди.

– Акам уйга келганларида ўзгача бир файз кирар, ҳамманинг кайфиятини кўтариб юборардилар, – дейди синглиси, НамДУ талабаси Дилфуза Абдуллаева. – Энди барчаси тушга ўхшаб қолди... Мен ҳам акамнинг изидан боришга, унинг ишларини давом эттиришга қатъий аҳд қилдим.

Фарҳоджон Абдуллаев нафақат синглиси, балки бошқа кўплаб ёшларга ҳам қатъиятли, тўғрисўз бўлишни, мақсад йўлида курашишни ўргатиб кетди. Унинг чақмоқдек ўтган умри ана шулар ҳаётини ёритиб, озод ва обод Ватанга муносиб фарзанд бўлишга чақиради.

Кам умр кўрган бўлса-да, кўплаб инсонлар қалбида у ҳақда ёрқин хотира қолди.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**
*Наманган вилояти.*



## Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН ФАОЛЛИК

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ЙҲХБ ЙПХ бригадаси жамоаси ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва турли кўринишдаги қоидабузарликларни аниқлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бунга биз пойтахтимиз кўчаларида ўз бурчини ўтаётган ходимлар фаолияти билан танишганимизда гувоҳ бўлдик.**

**Репортаж**

Ҳаво совуқ. Қор ёғаяпти. Қиш бутун борлиққа ўз ҳукмини ўтказаётган бўлса-да, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган йигитлар бир дақиқа ҳам ҳушёрликни йўқотишмайди. Ҳали тонг отмасданоқ бригада шахсий таркиби навбатдаги хизмат тақсимотига шай. Бригада командири, подполковник Саидумар Тасходжаев саф тортиб турган ходимларга йўриқнома берар экан, республикамизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» уюшқоқлик билан давом этаётган бир пайтда, айниқса, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, болалар ва пиёдалар ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш, транспорт воситаларининг техник ҳолатига эътибор қаратиш муҳим эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг барча хизмат жойига тарқалди.



– Шахсий таркиб ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиб, ҳар бир топшириқни аъло даражада уддаламоқда, – дейди подполковник С. Тасходжаев. – Бунинг самараси ўлароқ, шаҳримиз кўчалари ва йўлларида ҳаракат хавфсизлиги кўнгилдагидек таъминланаяпти. Шаҳардаги барча туманлар ҳокимликларида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комиссиялар тузилиб, муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, корхона, ташкилот, муассаса, маҳалла, мактаб ва болалар боғчаларида профилактик ишлар олиб боришга катта эътибор берилаяпти.

Жойларда ташкил этилаётган тадбирлар билан танишиш мақсадида ЙПХ бригадаси шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳи катта инспектори, капитан Ж. Файзиев ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлинмаси инспектори, капитан М. Алимов ҳамроҳлигида пойтахт кўчаларини айландик.

Амир Темур – Нукус кўчалари кесишган чорраҳада ЙПХ бригадаси ЙПХ инспектори, катта сержант Рустам Ортиқов хизмат олиб бораётган экан. Ундан ойликнинг бориши ҳамда ҳаракат хавфсизлиги ҳақида сўрадик.

– Шаҳримиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда, – деди у. – Эътибор берган бўлсангиз кейинги пайтда пойтахт кўчаларида автомашиналар сони кўпаймоқда. Бу эса биздан янада ҳушёр бўлишни талаб этади. «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, кўргазмали воситалар ҳайдовчиларни ҳушёрликка чорлашда муҳим омил бўлаяпти. Шунга қарамай автомобилни маст ҳолда бошқариш, хавфсизлик камарини тақмаслик, ҳаракат пайтида уяли телефондан фойдаланиш, йўл ҳаракати қоидаларига бўйсунмаслик каби салбий ҳолатлар қайд этилмоқда.

Чорраҳадан ўтиб, кўзлаган манзили томон йўл олган йигитга: «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилаётганидан хабарингиз борми?» деб савол бердик.

– Ҳа, албатта, – деди ўзини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг талабаси деб таништирган А. Шукуруллаев. – Бу ҳақда телевидение, матбуот орқали кўп гапирилаяпти, қолаверса, шаҳар кўчаларидан ўрин олган панно ва баннерлардан ҳам билиб олиш мумкин. Ушбу тадбирда нафақат ҳайдовчилар, балки барча фаол иштирок этиши лозим.

– Гувоҳи бўлганингиздек, ҳушёр фуқароларимиз ойлик ҳақида бохабарлар, – дейди бизга ҳамроҳлик қилган капитан М. Алимов. – Аммо айримларида лоқайд муносабат сезилиб туради. Бу ачинарли ҳолдир.

Шу пайт ЙПХ инспектори Р. Ортиқов оқ рангли «Матиз» русумли машинани тўхтатди. Ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақмаганлигини тан олиб, узр сўради. Автомобиль эгаси жаримага тортилди.

Шаҳрисабз – Ойбек кўчалари кесишган чорраҳада ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш 3-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори, катта сержант Аббосхон Ашуров зиммасига юкланган. У транспортлар ҳаракатини тартибга солмоқда. Светофорнинг қизил чироғи ёниб турганига қарамай қора рангли «Ласетти» автомашина ҳайдовчиси чорраҳадан ўтишга уринган эди, инспекторнинг ҳуштаги чалинди.

ЙПХ инспектори ўзини таништиргач, ҳайдовчининг ҳужжатларини сўради.

– Мана ҳужжатларим, – деди ҳайдовчи хижолатомуз. – Жуда шошиб тургандим...

– Сизнинг бу шошқалоқлигингиз пиёдалар ҳаётига хавф солиши мумкин, – деди инспектор. – Боз устига, мамлакатимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтяпти. Бундан хабарингиз борми?

Ҳайдовчи секин бош ирғади. Масъулиятсизлик қилганига иқрор бўлиб, бундан кейин йўл ҳаракати қоидасини бузмасликка сўз берди. Инспектор баённома тўлдириб, ҳайдовчини яна бир бор огоҳликка чақирди.

Хизмат вазифасини бажараётган соҳа ходимларини кузатсангиз уларда ўз касбига бўлган меҳр жўш ураётганини сезасиз. Зеро, бригада шахсий таркибининг касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Ўтказилаётган Маърифат дарслари, шунингдек, ЙПХ бригадаси дивизионлари ўртасида мунтазам волейбол, енгил атлетика, ўқ отиш, футбол, стол тенниси, қўл жанги, самбо ва мини-футбол бўйича мусобақалар ташкил этилаётгани фикримизнинг далилидир. Буни моҳир спортчилар – 3-дивизион ЙПХ инспекторлари, сержант Р. Қодиров ҳамда кичик сержант Н. Ҳамраев, 1-дивизион ЙПХ инспектори, сержант А. Арипов, ЙПХ катта инспектори, капитан Ф. Бўронов ва инспектор, катта сержант А. Ашуровлар эришаётган муваффақиятларда кўриш мумкин.



– Ходимларимиз нафақат йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш ва йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, балки соҳавий хизматлар вакиллари ҳамкорлигида осойишталикни сақлашга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда, – дейди капитан Ж. Файзиев. – Масалан, Сирғали туманида хизмат вазифасини бажараётган ЙПХ бригадаси 4-дивизион 1-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори, катта сержант И. Жакиповнинг олдига фуқаро Елена Сорокина келиб икки номаълум шахс унга нисбатан куч ишлатиб, бўйнидаги тилла занжир ва уяли телефонини олиб қўйганини маълум қилади. Талончилар «Нексия» русумли автомашинага ўтириб, жуфтакни ростлашган экан. Шунда ҳушёр инспектор ППХ ходимлари билан тезда уларнинг изига тушишади. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида жиноятчилар қўлга олинишади.

Шаҳар кўчаларида машиналар оқими тинмайди. Пойтахтлик йўл назоратчиларининг мақсади аниқ – «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни кўнгилдагидек ўтказиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда осойишталикни сақлаш. Бу эзгу мақсад йўлида уларда касбга садоқат, матонат, шижоат етарли. Шундай экан, йўлимиз доимо хавф-хатардан ҳоли бўлаверади.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**
**Суратларда:** бригада ходимлари фаолиятидан лавҳалар.
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**
*Тошкент шаҳри.*

**Хоразм вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида бор имкониятларни ишга солишаяпти.**

# УЛФАТ КЕЛТИРГАН КУЛФАТ

Ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «Диққат, темир йўл кесишмаси!», «Диққат, болалар!» каби ўнлаб тадбирлар ўтказилмоқда. Олиб борилаётган бундай ишлар натижасида вилоят ҳудудида йўл-транспорт ҳодисалари сони 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 3 фоизга, жароҳатланганлар сони эса 4,6 фоизга камайди.

Белгиланган тезликни ошириш оқибатида жорий йилнинг ўтган даврида 96 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд қилиниб, 85 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олди. Автомобилни маст ҳолда бошқариш билан боғлиқ 30 та ҳолат аниқланди.

Баъзи ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини била туриб уни қўпол равишда бузишади, белгиланган қонун-қоидаларга беписандлик билан қарашади. Бу эса ниҳоятда аянчли якун топмоқда. 2009 йилнинг 24 ноябрь куни соат 21.30 ларда Хонқа тумани Алишер Навоий номли фермерлар уюшмасининг 9-бўлимида яшовчи Санжарбек Болтаев, Ҳаким Якубов ва Рашид Одамовлар тўйдан чиқиб, базмни балиқхонада давом эттиришди. Улфатлардан ҳеч бири Санжарга «Сен машинадасан, ароқ ичма ёки ичдинг, рулга ўтирма» дея маслаҳат бермади. Маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш аянчли автоҳалокат билан якун топди. Натижада икки киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланган режа асосида махсус рейдлар ўтказилмоқда. Текширувлар давомида жорий йилнинг шу даври мобайнида 193 мингдан ортиқ қоидабузарлик аниқланди.

Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Бу билан нафақат ўзи, балки ўзгалар ҳаётини ҳам сақлаб қолади.

Дўсти ёки улфатининг машина бошқаришини била туриб унга қадаҳ тутган улфат эса улфат эмас, балки бошга битган кулфатдир. Буни асло эсдан чиқармаслик керак.

**Ботир ОТАМУРАТОВ,**
**подполковник.**
*Хоразм вилояти.*

## «Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари» танловига

# Одамлар орасида

**Амударё тумани ИИБ навбатчилик қисмига канал ёқасидан мурда топилгани ҳақида хабар келиб тушиши билан тезкор гуруҳ йўлга чиқди. Прокуратура терговчиси ва эксперт-криминалист ҳам воқеа жойида ҳозир бўлишди. Мурданинг шахсини аниқлаш унчалик қийин кечмади. Мадамин тажрибали тижоратчи, бозордаги дўкони ҳамиша одамлар билан гавжум бўлишини ҳамма яхши биларди. Унинг баданидаги жароҳат излари аёвсиз қийнаб ўлдирилганидан далолат берарди. Экспертлар марҳумнинг жони узилганига бир кеча-кундуздан ортиқ вақт бўлганини таъкидлашди. Унинг кийимлари ва пойафзали каналнинг бошқа томонидан топилиши калаванинг учини баттар чигаллаштирди. Бутун шахсий таркибнинг асосий диққат-эътибори мазкур қотилликни очишга қаратилди. Ходимлар майда гуруҳларга бўлиниб, жойларда суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Профилактика катта инспектори, капитан Бахтиёр Уразбаевнинг синчков нигоҳи элас кўзга ташланаётган қўл-араванинг изига михдай қадалди. Бу из уни Аматнинг уйигача олиб борди. Капитан Б. Уразбаев Аматни яхши танирди. Унинг ҳам бозорда дўкони бўлиб, тирикчилиги бинойидек эди.**



*Профилактика катта инспектори, капитан Б. Уразбаев хизмат пайтида*

– Амат, уйдамисан? – деб чақирди профилактика катта инспектори.

– Ҳозир, – деган товуш эшитилди-ю, ҳовлида Амат пайдо бўлди.

Профилактика катта инспектори уни чўчитиб юбормаслик учун илиқ муомалада бўлиб, ҳовлини зимдан кузатди. Тандир ёнида турган қўл-арава унда жиддий шубҳа уйғотди. Ички туйғусига ишонган Б. Уразбаев тезкор гуруҳга унинг уйини текшириб кўриш кераклигини маълум қилди. Бу фикр ҳамкасблари томонидан маъқулланди. Прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир туфайли Амат қочишга улгурмади. Қўл-аравадаги қон доғлари, тандир ичидан топилган кийим ва гилам парчасининг ўзиёқ қотилликда Аматнинг қўли борлигини билдириб турарди. Меҳмонхона деворлари, мебеллар, диван ва курсилар ҳам қонга ботганди. Маълум бўлишича, Амат хотини билан Мадамин ўртасидаги савдо бўйича қилинаётган ҳамкорликни бошқача тушунган. Унинг хаёлида Мадамин гўё хотинини йўлдан ураётгандай туюларди. Ич-этини куйдираётган рашк оловини босиш учун Мадаминни йўқ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун пухта режа тузади. Унга мувофиқ дастлаб Мадаминдан қарзга анчагина пул олади. Кейин ўзининг қабиҳ ниятини амалга ошириш учун шогирди Акмални ҳам ўзига шерик қилади. Хотини уйда йўқлигидан фойдаланган Амат Акмалга Мадаминни уйга бошлаб келишни топширади. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Мадамин уйга кириши билан бошига тушган қаттиқ зарбадан ўзини йўқотиб қўяди. Амат эса қўлидаги темир бўлаги билан аямай солаверади. У миясини чулғаб олган саволга ойдинлик киритиш – хотини билан яқин алоқада бўлган ёхуд бўлмаганлигини аниқлаш учун Мадаминни токка тутади, баданига дазмол босади. Бунда унга Акмал ёрдамлашиб туради. Охир-оқибат қийноқларга чидолмаган Мадамин жон беради. Жиноятни яшириш ва ходимларни чалғитиш мақсадида унинг жасадини ярим кечаси каналга улоқтириб, кийимларини бошқа томонга ташлашади.

Туман ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, капитан Бахтиёр Уразбаевнинг зийраклиги туфайли ушбу жиноят қисқа вақт ичида очилди. Бу осойишталик посбонининг хизмат фаолиятига йигирма беш йил бўлди. Тошкентдаги ўрта-махсус милиция мактабини тамомлаган Бахтиёр ички ишлар идораларининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, бугун тажрибали ходим – устоз даражасига етди. Унинг доим эл ичида бўлиши ўзига нисбатан халқ ишончини тобора орттирмоқда.

...Тушликка яқинлашганда Кумушнинг оиласида жанжал бўлаётгани ҳақидаги хабар 15-мактабда тадбир ўтказаётган капитан Бахтиёр Уразбаевни ҳушёр торттирди. У мактаб директоридан узр сўраб, ўша томонга йўл олди.

– Уйлантириб қўйсак масъулиятни сезар, инсофга кирар, деб ўйлаган эдик. Аксинча, ўғлимиз Умиджон келинга бефарқ бўлиб, баттар ичадиган бўлди, – профилактика инспекторини кўриши билан дийдиёсини бошлади Кумуш.

Бахтиёр Уразбаев Умиджон билан дўстларча суҳбатлашди. Қийнаётган ташвиш ва муаммолари билан қизиқди. Шу аснода унинг улфатлари ва спиртли ичимликка пулни қаердан олаётгани ҳақида етарли маълумотга эга бўлди. Ёлланиб ишлаб пул топаётган, аммо уни оиласига олиб бормай, ўз ҳузур-ҳаловатлари учун ишлатиб юрган Зокир ва Олимни топиб, улар билан ҳам гаплашди. Сўнг яширинча спиртли ичимлик сотаётган Жангир дўкончига нисбатан тегишли чора кўрди.

– Раҳмат, умрингиздан барака топинг, – деди онаизор.

– Агар феъл-атворида ўзгариш сезилмаса тортинмай айтаверинг, – деб профилактика катта инспектори телефон рақамини қолдирди. У хизмат хонасига қайтаётганида Абдураим ака тўхтатди.

– Тўрт қиздан кейин ўғил набирали бўлдим, уйга кириб бир пиёла чой ичинг, – дея қўярда-қўймай ичкарига бошлади. Меҳмонни дастурхонга таклиф қилар экан, гапида давом этди: – Келиндан жуда миннатдормиз, аммо қудамизнинг ўз иниси билан чиқишмаётгани чакки бўлди. Икки ҳовли орасидаги ариқ четига экилган тераклар бир қориндан талашиб тушган оға-инилар ўртасидаги ришта узилишига олиб келаяпти. Бечора келин отаси билан амакисининг қилмишидан бош кўтара олмай қолди.

Капитан Бахтиёр Уразбаев дарҳол «Қиличбой» овул фуқаролар йиғини раиси Шерипбой Машарипов билан телефон орқали боғланиб, кечиктириб бўлмайдиган вазифани биргаликда ҳал қилишга келишиб олди. Жанжалкашлар оқсоқол ва профилактика инспекторини кўриб аввалига ҳайрон бўлишди, кейин эса бир-бирларини айблай бошлашди.

– Шу сизларга ярашадими? Бошқаларга намуна бўлиш ўрнига соқолингиз оқарган пайтда элга «томоша» кўрсатиб ўтирибсизлар. Наҳотки теракларни тенг тақсимлаш қўлларингдан келмаса?! Бирингизга кўп кетиб қолса нима қилибди, ахир ёт эмассизлар-ку, – койиб берди Ш. Машарипов.

– Бунинг энг ёмон томони, сизлардаги нафрат ҳисси фарзандларингизга ҳам таъсир қилиб, адоват авлодларга ўтиши мумкин. Шунинг учун низога чек қўйиб, ақл билан иш тутинглар, – деди Бахтиёр Уразбаев. Шу тариқа Сотимбой билан Жумабой яраштирилиб, тераклар тенг тақсимлаб берилди. Ўртадаги адоват кўтарилди.

Шундан кейин инспектор 4-«Аёқчи» чегара масканига бориб, вазият билан танишди. Мавжуд қонун-қоидалар ва тартиблар алоҳида суҳбатда таништирилишига қарамай товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб ўтишга уринган М. Атабекка нисбатан тегишли чора кўрди. Профилактика инспектори шу кунгача айниқса, чегарага яқин ҳудудда жойлашган 2-Қишлоқ, Алмазор ва Қиличбой маҳаллалари аҳолиси ўртасида кенг қўламли профилактик ишлар олиб бораяпти. Унга профилактика инспекторлари, капитанлар Рустам Аллаберганов, Алишер Мадаминов ва Мансур Қосимовлар яқиндан ёрдам беришаяпти. Чегара ҳудудда хизмат қилаётган осойишталик посбонлари хизмат отлари билан таъминлангани ҳамда фермерларнинг ҳомийлик қилаётгани шубҳасиз хизмат самарадорлигини оширмоқда. Чунки отнинг тор кўча ва сўқмоқлардан бемалол юра олиши жуда асқотаяпти.

Ҳозирда «Қиличбой» овул фуқаролар йиғини ҳудудида 16 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Озод Раҳимов профилактика инспекторининг ишончли ёрдамчиси. У бугун ҳам топширилган вазифани бекаму кўст бажариб, маъмурий назоратга олинган Гулмирза Атаназаров ва Даврон Қурбанбаевлар айтилган вақтда профилактика инспекторининг хизмат хонасида бўлишини таъминлади. Амнистия туфайли жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган бу йигитлар кўрсатилган мурувватдан тегишли хулоса чиқармай, жамоат жойида маст ҳолда тўполон қилишганди. Капитан Бахтиёр Уразбаев улар билан анча суҳбатлашди.

Шундан кейин инспектор деҳқон-фермерлар хўжалиги уюшмасига қарашли техникаларни таъмирлаш устахонасига борди. Хўжалик раиси Атахон Қурбаниёзов билан суҳбатлашиб, шудгорлаш ишларининг бориши ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар билан қизиқди. Баъзи нарсаларни ён дафтарига қайд қилиб қўйди. Сўнг усталар олдига ўтди. Майда бўлакларга ажратилиб, қуруқ савлати қолган тракторнинг ёнида ишлаётган ёш уста салом берди-да, кўзларини олиб қочди.

– У ўтган кунги қилмиши учун сиздан уялаяпти, – деди сочига оқ оралаган Маткарим мойга ботган қўлларини латтага артиб.

– У уялгани, демак айбини тушуниб етгани. Бу инсоннинг энг яхши хислати ҳисобланади, – деди капитан Бахтиёр Уразбаев.

– Яхшиямки сиз бор экансиз, акс ҳолда шогирдим гулдай хотинидан ажралиб, боз устига, қамалиб кетиши мумкин эди, – деди Маткарим.

– Устоз шогирдига нафақат касби, балки ҳаёт сабоқларидан ҳам дарс бериши керак, – танбеҳ берди инспектор. Маткарим мулзам бўлиб, ерга қаради. Инспектор яна давом этди: – Жабборнинг қайнотаси ва қайнонаси тушунган одамлар экан, куёвининг қилмишини кечиришди. Ёш куёвнинг букқунча ароқ ичиши, уйига келиб ҳеч бир сабабсиз келинни ҳақоратлаб, унинг ота-онасини қулоқда турмайдиган сўзлар билан сўкиши мард йигитнинг иши эмас.

Профилактика катта инспектори устахонадан чиқиб, овулни яна бир бор айланиш мақсадида машинасида ортига қайтди. Ички тупроқ йўлга тушиб, сал юрмасидан ўзаро нима ҳақдадир тортишаётган 30 – 35 ёшлардаги йигитларга кўзи тушиб тўхтади. Улар ҳам профилактика инспекторини кўриб, шошиб қолишди.

– Қўшним табиий газ босими пасайиши билан насосни ишга солиб, газни сўрдиради. Агар электр энергияси ўчиб қолса аккумуляторни улайди. Оқибатда бизга газ етиб бормаяпти. Шунинг учун мана бу резина ичакларни йиғиштириб олдим, – деди ўзини Қодир деб таништирган йигит.

– Қўлингдан келса сен ҳам торттир, – бақирди Азамат.

– Мен торттирсам, сен ичи қоралик қилиб, тандирингга тушириб қўйган газнинг кранини очиб қўясан, – жиғибийрон бўлди Қодир.

Профилактика катта инспектори, капитан Бахтиёр Уразбаев ҳар иккала хонадондаги қўлбола насос ва резина ичакларни йиғиштириб олиб, машинасининг юкхонасига жойлади. Юртимизда айни «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтаётган бир пайтда уларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид ҳаракат қилишаётгани яхшиликка олиб келмаслигини таъкидлади. Эртага хизмат хонасига боришларини алоҳида тайинлаб, йўлида давом этди. Вақти тиғиз бўлишига қарамай анчадан бери тўшакка михланиб қолган Сўна момонинг ҳолидан хабар олиш учун унинг уйига ташриф буюрди. Аёл уни кўриши билан кўзларида севинч ёшлари қалқиб, қўлларини дуога очди. «Халқ дардида тиним билмайсан, илоё бошинг омон бўлсин, болам!» Бахтиёр илиқ сўзлар айтиб, момонинг кўнглини кўтариб хайрлашди. Уни кўчагача кузатиб қўйган катта ўғли Абдисаттор.

– Онамиз билан овора бўлиб, қизим Ойсанамга паспорт олишни унутиб қўйибмиз. Илтимос, шу масалада ёрдам берсангиз,– деди.

– Яхши, – деди Бахтиёр бу масалани эртагаёқ ҳал қилишга киришамиз.

...Туннинг қора пардаси қуюқлашиб, борлиқни қоплаган бўлса-да, профилактика катта инспекторининг хизмат хонасидаги чироқ ёниқ турарди. «Амирхон» деҳқон-фермер хўжалиги пудратчиси Давронбек Давлетов ийманибгина эшикни тақиллатди. Компьютердаги ёзувларни кўздан кечираётган Бахтиёр Уразбаев киришга изн берди.

– Мен «Урал» русумли мотоциклимни ҳужжатлаштириб олмоқчи эдим, – деди йигит. Капитан Бахтиёр Уразбаев унга йўл-йўриқлар кўрсатиб, биринчи галда тайёрланиши лозим бўлган ҳужжатларнинг рўйхатини берди ва албатта ёрдам қилишини айтди. Давронбек хонадан мамнун бўлиб чиқди. Капитан ҳам секин йўлга тушди. У уйига келганида вақт ярим тундан ўтган эди. Эрининг қайтишидан боягина телефон орқали хабар топган Зулфия ошхонада куймаланарди. «Хизматимиз унумли бўлишида аёлларимизнинг меҳнати ва сабр-тоқати алоҳида таҳсинга лойиқ», деб мийиғида кулиб қўйди профилактика катта инспектори.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*
**Муаллиф олган сурат.**

## Хизматларда

**Маълумки, ички ишлар идоралари тизимида қўриқлаш хизмати алоҳида ўрин тутади. Ушбу соҳа ходимларининг кечаю кундуз олиб бораётган самарали фаолиятлари натижасида мол-мулкни кўз қорачиғидек асраш, жиноятчиликнинг олдини олишда муносиб ютуқлар қўлга киритилаяпти. Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси 4-алоҳида милиция батальони шахсий таркиби ҳам белгиланган вазифаларни бажариш учун бор имкониятларни ишга солмоқда.**



**4 – АМБ 4-отряд командирининг ўринбосари, катта лейтенант Холмурод Бўриев, взвод командири капитан А.Ашуров катта сержант И.Умбетов, сафдорлар Э.Ғуломов ва Б.Мансуровга тегишли кўрсатма бермоқдалар**

# Ишончли қўриқлов – муқаддас бурчимиз

– Хизматимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли ҳамдир, – дейди батальон командири, подполковник Мухтор Усмонов. – Бу соҳа кишидан сабр-тоқат, ирода, матонат, юксак жанговар шайликни талаб қилади. Айни пайтда фуқароларимиз томонидан қўриқлаш тизимига катта ишонч билдирилмоқда. Бугунги кунда жойларда ишончли қўриқловни ташкил қилиш, қўриқланаётган иншоотларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш зиммамизга катта масъулият юклайди. Биз шаҳар миқёсида ўтказилаётган оммавий-маданий тадбирларда ҳам фаол қатнашиб келаяпмиз.

Жорий йилнинг ўтган даврида жамоат тартибини бузган, давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаган, шунингдек, бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган 6510 нафардан ортиқ киши туман ИИБларга топширилди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳар бир ички ишлар ходимининг муқаддас бурчидир. Уларнинг ҳушёр ва зийраклиги, ҳар доим жанговар ҳолатга шай бўлишлари натижасида бир қанча жиноятларнинг олди олинди, айрим шахслар жиноят устида ушланди. Жумладан, наманганлик И. Х. Ўзбекистон Давлат цирки биноси ёнидан ўтиб кетаётган, пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида яшовчи М. Аҳмедованинг йўлини тўсиб, уяли телефонини тортиб олади ва воқеа жойидан яширинади. Тартиббузар осонгина қочиб қутулдим, деб турган пайтда батальон 6-отряд командири, майор Б. Қаршибоев, отряд ходимлари, сержант М. Сиддиқов, катта сержант Б. Турдибоев ва сафдор Ф. Юлдашев томонидан далилий ашё билан қўлга олинди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, отряд командирлари, майорлар Ботир Қаршибоев, Шуҳрат Элибаев, взвод командири, капитан Анвар Содиқов, шунингдек, катта сержантлар Элмурод Жумаев, Умар Алимов, сержант Асомиддин Шукуров, кичик сержант Бобомурод Бабашев, сафдор Рустам Абдуқодиров каби ходимларнинг фаолиятидан кўпчилик мамнун. Улар фидойилиги, хушмуомалалиги, ўз ишига содиқ ва қатъиятлилиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозониб келишмоқда.

Батальон шахсий таркибининг касбий ва жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган тадбирлар уюштириш анъанага айланиб қолган. Яқинда ходимлар ўртасида «Энг яхши мураббий», «Энг яхши отряд командири», «Энг яхши взвод командири» ва «Энг яхши ходим» йўналишлари бўйича танлов ўтказилди. Ғолиблар раҳбарият томонидан Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тадбирга узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги учун меҳнати сингган фахрийлар ҳам таклиф этилиб, уларга батальон раҳбарияти томонидан эсдалик совғалари улашилди.

**Жамила ЭШОНҚУЛОВА.**

*Тошкент шаҳри.*

## Тезкор гуруҳ йўлга тушди...

**Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятни фош этиш, умуман осойишталикни таъминлашда соҳавий хизматлар ҳамкорлиги жуда зарур. Буни ички ишлар ходимлари яхши билишади ва ҳамиша хизматни шу асосда ташкил этишга интилишади. Пешку туманида содир этилган қотиллик жиноятини очишда ҳам ана шундай ҳамкорлик қўл келди.**

# «Варахша» чўлидаги қотиллик



14 октябрь куни эрталаб Варахша чўл даҳасида жойлашган Нурафшон аҳоли пунктига олиб борувчи йўл ёқасидаги бетон ариқдан ёш йигитнинг жасади топилгани ҳақидаги хабар ички ишлар ходимларини оёққа турғазди. Туман ИИБ бошлиғи раҳбарлигидаги тезкор гуруҳ зудлик билан воқеа жойида ҳозир бўлди. Эксперт-криминалист тезда ишга киришди. Аҳоли пунктига 500 метрлар чамаси етмасдан, асфальт йўлда қонга ўхшаш доғлар бўлиб, кийим тугмалари тушиб ётар, 16-18 ёшлардаги йигит жасадининг бош қисми ва юзи қон эди. Ҳали босилмаган автомашина излари эса қотиллик транспорт воситаси билан боғлиқ эканлигини кўрсатарди.

Тезкор гуруҳ аъзолари белгиланган режа асосида жасаднинг шахсини аниқлашга киришди. 133-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Акмал Чориев жасадни кўриши билан, дарҳол таниди. У Миржон Шукуров бўлиб, хизмат ҳудудидаги Чиқирчи кўчасида яшашини яхши биларди. Миржоннинг ота-онаси ажрашган эди. Онаси эса хорижга ишлаш учун кетган, катта ҳовлида унинг ёлғиз ўзи яшарди. Онаси ўғлини ҳеч кимдан кам қилмай, унга янги «Дамас» автомашинаси олиб берганди.

Қотиллик ким томонидан амалга оширилган? Жасаднинг шахси аниқлангач, тезкор гуруҳ ходимлари энди бу саволга жавоб топишга киришди. Туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Каромат Ражабов, ҲООБ катта инспектори, подполковник Убайдулло Саидов, профилактика инспектори, катта лейтенант Акмал Чориев биргаликда навбатдаги режани ишлаб чиқишди. Марҳум Миржон кейинги кунларда ким билан бўлгани, келишолмай, жанжаллашиб қолган дўстлари бор-йўқлиги бирма-бир ўрганиб чиқилди. Бунда ҳам ўз ҳудудида яшовчи фуқароларни яхши билган профилактика инспектори Акмал Чориевнинг маълумотлари асқотди. Миржон асосан икки дўсти, ҳеч қаерда ишламайдиган Қ. Комил ва 17 ёшли П. Наврўз билан бирга бўлган эди. Комил унга ҳатто янги олган автомашинасини ҳайдашни ўргатган. Бу уч қадрдонни ҳамиша бирга кўрган инспектор дастлаб уларни қотилликда гумонлашни истамади. Бироқ Комил билан учрашиб, суҳбатлашганда гумони тўғрилигига амин бўлди. Унинг тумтароқ гаплари, ҳатти-ҳаракатлари шубҳа уйғотганди.

Комилни ички ишлар бўлимига олиб кетишганини эшитган Наврўз эса уни йўқлаб келган бошқа бир профилактика инспектори, капитан Бурҳон Қурбонов синчков нигоҳи ва илмоқли саволларига дош беролмай кутилмаганда мудҳиш жиноят – қотилликка иккаласи бир бўлиб қандай қўл урганликлари ҳақида батафсил айтиб берди.

Инсон майли ўз чегарасидан чиққанда дўстлик душманликка айланади, деган экан донишмандлардан бири. Аммо иймонли, маънавиятли одам ҳар қандай вазиятда ҳам ақл билан иш қилади. Табиатан бадфеъл, жаҳлдор Комил эса Миржоннинг гапини ҳазм қила олмади.

– Ундан олган қарзимни нега уч ҳисса қилиб қайтаришим керак? Шу ҳам дўстликданми? – деди у Наврўзга ўзининг ҳақлигини исботламоқчи бўлиб. – Бунинг устига нафсониятимга тегадиган гап айтиб, мени камситибди. Кел, дўстим, унинг бир адабини берайлик!

Ўзича Миржондан аччиқланган Комил Наврўз билан келишиб, ярим тунда уни «Дамас» машинаси билан уйидан олиб чиқишади. Алдаб, Варахша чўл ҳудудига олиб келишади. Хаёлларида улардан паст келмаётган Миржоннинг бошига пичоқ санчишади. Бу ҳам етмагандек, машинадан пастга тушириб, аламдан чиққунча тепкилашади. Инсонийлик қиёфасини йўқотган Комил яна машинага ўтириб, чала жон бўлиб ётган Миржоннинг устидан босиб ўтади. Ниҳоят жон таслим қилган йигитни бетон ариққа ташлаб юборишади. Қўлларидаги синган, қонли пичоқни атрофга улоқтиришади. Ҳеч нима бўлмагандек яна машинага ўтириб, Миржоннинг ҳовлиси томон йўл олишади. Улар Миржоннинг хонадонидан 30 минг сўм пул ва спорт кийимини олиб, жуфтакни ростлашади. «Дамас» машинасини эса яна ўша чўл ҳудудидаги бетон ариққа яқин жойда ташлаб кетишади.

Гумондорларнинг кўрсатмасига кўра воқеа жойидан «Дамас» русумли автомашинанинг калити ва синган қонли пичоқ топилди. Шу тариқа рўй берган мудҳиш жиноят ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари ходимларининг ҳамкорлиги туфайли «иссиқ изида» фош этилди.

**Ўткир РАЖАБОВ,**
**подполковник.**
**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА,**
**ўз мухбиримиз.**

*Бухоро вилояти.*



# Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда



## ТАДБИРГА ОНГЛИ МУНОСАБАТ

**Мамлакатимиз иқтисодий тармоқларининг ривожланишида, яратилган моддий ва маънавий бойликларни ёнғиндан муҳофаза этилиши, сақланиши ҳамда халқимизнинг турмуш даражасининг яхшиланишида республика ички ишлар идоралари давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг муносиб ҳиссаси бор. Ҳозирги кунда мамлакатимиз миқёсида қизғин давом этаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида ҳам бу яққол кўзга ташланмоқда. Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Равшан ЖЎРАЕВ бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди.**

– Ёнғин хавфсизлиги хизмати вужудга келибдики, «Ўзинг учун эмас, ўзгалар ҳаёти учун кураш» деган шиорга амал қилиб келинади. Бунинг замирида одамларни ёнғин офатларидан муҳофаза этиш, улар дардига шерик бўлишдек эзгу мақсад ётибди. Соҳа ходимлари бугунги кунда ҳам ана шу анъанага содиқ қолган ҳолда зиммаларидаги вазифаларни шараф билан бажаришмоқда. Шу ўринда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз.

Тадбир юқори савияда ўтиши учун дастлабки кунлардан жойлардаги бошқармаларга тадбирлар режаси юборилиб, ижроси назоратга олинди. Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунида белгиланганидек, халқ хўжалиги масканлари, шунингдек, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинларга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этиш мақсадида фуқароларнинг масъулияти оширилди. Тадбир бошлангандан бери 24 мингтадан ортиқ корхона ва ташкилотнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Текширувлар давомида 686 минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар билан учрашувлар ўтказилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари тарғиботига доир плакат, шиор ва бошқа кўргазмали воситалар тарқатилди.

Шубҳасиз, аввалги йиллардагидек, навбатдаги ойликнинг йигирма куни давомида кимнинг қандай ишлаётгани ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига муносабати қай даражада эканлиги маълум бўлди. Агар тавсия этилган 206 мингдан ортиқ тадбирларнинг 167 мингга яқини биринчи йигирма кунликда бажарилган бўлса, бу жараёнда айрим салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланди. Жумладан, профилактика инспекторлари томонидан ҳар қанча огоҳлантиришлар ва эслатмалар берилишига қарамай, ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини бузган 4025 нафар раҳбар ва жавобгар шахсга нисбатан жарима солишга тўғри келди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 1890 тага яқин корхона, цех ва омборхонадан фойдаланиш вақтинча тўхтатиб қўйилди. 15 мингтадан ортиқ носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқлардан фойдаланиш тақиқланди.

Бу йилги тадбирга жойларда юқори савияда тайёргарлик кўрилгани ва ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларга жамоатчиликни кўпроқ жалб этилганлиги туфайли қоидабузарлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар, айниқса, ёнғин содир бўлиш ҳолатлари анча камайди.

Бу ишга бош бошқарма ходимлари бевосита жалб этилиб, тасдиқланган жадвал асосида мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинларида раҳбар ходимлар иштирокида учрашувлар ташкил этилиб, профилактик ишлар олиб борилди.

Давлатимизнинг асосий таянчи бу халқдир. Фуқаролар тинч ва осойишта ҳаёт кечириши учун Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир фуқаро хонадонини ёнғин офатларидан муҳофаза этиш, мол-мулкини асраш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ана шу ғамхўрлик ифодасидир. Шу мақсадда ўтган давр мобайнида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан 1 млн. 500 тадан ортиқ аҳоли турар жойлари, шунингдек, 18 мингтага яқин кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Бу тадбирлар мобайнида аҳоли билан мулоқотлар уюштирилиб, 11500 тага яқин ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.

Айниқса, уй-жой мулкдорлари ширкатларида ўтказилган тадбирларда фуқаролар фаоллик кўрсатиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, тўпланиб қолган муаммолар ўз жойида ҳал этилишига эришишди. Масалан, газ тақсимлаш масканлари, электр қуввати узатилишидаги носозликлар ва қонунсизликлар улар иштирокида бартараф этилди. Шунингдек, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ўзбошимчалик билан қуриб олинган ноқонуний қурилишлар, автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишига халақит берувчи сунъий тўсиқларнинг олиб ташланишига эришилди. Уй-жой мулкдорлари ширкатларида 220 нафар раҳбар ходимнинг 135 нафарига интизомий жазо чораси қўлланилди, 2 нафари эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Шу билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини қўпол равишда бузган 2256 нафар фуқаро ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама этилди.

Айни пайтда ўрта умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, даволаш ва ўқув масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилган тадбирлар яхши натижа берди. Бунда фуқароларнинг хизмати каттадир. «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» самарали ўтиши учун барча юртдошларимизнинг иштироки янада фаол тус олиб, онгли муносабат кучаяди, деган умиддамиз. Ана шунда кўзланган мақсадга тўлатўкис эришилган бўларди.

**Улуғбек ВАФОЕВ**
**ёзиб олди.**

**«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида барча халқ хўжалиги ва иқтисодиёт тармоқлари, корхона, ташкилот, муассасалар, фуқаролар хонадонларида хавфсизлик чораларини кўриш, ёнғинга қарши чора-тадбирларни амалга оширишни бош мақсад қилиб олганмиз. Одамлар кўп йиғиладиган жойлар, бозорлар, сайилгоҳларда фуқаролар билан учрашувлар ташкил қилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини етказиш, шу орқали ёнғинлар сонини қисқартириш ҳам диққат марказида.**

## ТАШВИҚОТЛАР СУСАЙМАЙДИ

Маълумки, ёнғин ўз-ўзидан содир бўлмайди. Қиш даврида айрим фуқаролар носоз ва қўлбола электр иситиш воситаларидан фойдаланишади, газ мосламаларини ўзбошимчалик билан резина шланг орқали улаб ишлатиб, ёнғин хавфини келтиришади. Тадбир давомида ана шундай ҳолатларга эътибор қаратилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

Шу кунгача вилоят ИИБ ЁХБ ва унинг қуйи тизими ходимлари томонидан 1073 та халқ хўжалиги, 4 та ўта муҳим тоифаланган масканлар, 108725 та аҳоли турар жойлари, 789 та кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бажармаган ёки қўпол равишда бузган 118 нафар жавобгар шахс ва фуқароларга нисбатан 427 минг сўм миқдорда маъмурий тартибда жарима солинди. Ёнғин чиқиши эҳтимоли бўлган ва зудлик билан бартараф этиб бўлмайдиган ёнғинга қарши камчиликлар бўйича 53 та бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилиб, ёнғинга қарши ҳолати мувофиқ ҳолга келтирилди, 502 та носоз электр ускуналар ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди.

Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этиш, ёнғин ўчириш техникаси жанговар ҳолатини намойиш қилиш мақсадида халқ хўжалиги масканлари, маҳаллалар, ўта муҳим ва тоифаланган масканлар, мактаблар ва болалар боғчаларида учрашувлар ўтказилди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича 37 турдаги эслатма ишлаб чиқилиб, аҳолига тарқатилди. Шаҳар транспорт воситалари ва аҳоли гавжум жойларда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да фуқаролар фаол қатнашишига чорловчи паннолар ўрнатилди.

Мана бир неча йилдирки, мамлакатимизда ушбу тадбир кўтаринки руҳда ўтказилаяпти. Қувончлиси, бу даврда амалга оширилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ёнғинлар сони кескин қисқариши ва аянчли оқибатларнинг олдини олишга эришаяпмиз. Бундан кейин ҳам муносиб ютуқларни қўлга киритиш учун ҳозиргидек ғайрат билан меҳнат қилишимиз, тарғибот-ташвиқот ишларини бир дақиқа ҳам сусайтирмасдан олиб боришимиз талаб этилади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳар кун, ҳар ким амал қилиши лозим.

**Тўлқин КОМИЛОВ,**
**подполковник.**

*Жиззах вилояти.*

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

**Ёнғинларнинг олдини олишда профилактик ишларнинг ўрни катта аҳамиятга эга эканлиги тажрибаларда кўп синовдан ўтган. Шу боис ҳам нафақат йилда бир марта ўтказиладиган ойлик давомида, балки доимий равишда таргибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ҲЁХО 24-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми хизмат кўрсатаётган автокорхонада ҳайдовчилар ўртасида профилактик ишларнинг самарали усулларидан фойдаланишга катта эътибор беряпмиз.**

Кейинги йилларда айнан автомашиналардаги электр ўтказгичларнинг носозлиги туфайли ёнғин келиб чиқиш ҳолатлари учраб турибди. Шуни ҳисобга олиб, ҳайдовчиларнинг йўлга чиқиш олдидан ҳар бир автомашинани кўздан кечириш, мутахассисларга текширтириб олишни йўлга қўйганмиз.

Ёнғин, умуман ҳар қандай офат кутилмаганда рўй беради, албатта. Шунинг учун доим ҳушёр бўлиш талаб этилади. Яна бир томони тўсатдан ёнғин пайдо бўлса, эсанкираб қолмасдан уни бартараф этиш керак. Бунинг учун ҳайдовчи ёнғин ўчиришнинг қоидаларини билиши керак. Айни ёнғин хавфсизлиги ойлиги даврида ҳайдовчилар ўртасида амалий машғулотлар ўтишни ҳам режалаштирганмиз. Навбатдаги машғулотда енгил автомашиналарда ёнғин рўй берганда уни бартараф этиш, йўловчиларни офатдан сақлаш усули амалда кўрсатилди. Машғулотда ҳайдовчиларнинг ўзлари иштирок этиб, офат рўй берганда уни бартараф этиш усулларини амалда қўлладилар. Ҳар бир фуқаро, айниқса, ҳайдовчилар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш жуда муҳим эканлигини англаб етдилар.

**Абдумутал АВАЗОВ,**
**капитан.**

*Тошкент шаҳри.*



Хоразм вилояти Хазорасп тумани ИИБ ЁХБ ходимлари ҳам «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этишаяпти. Аҳоли ўртасида олиб борилаётган ташвиқот-тарғибот ишлари ҳамда аниқланган қоидабузарликлар бўйича чоралар кўрилаётгани ёнғинлар сони камайишига олиб келмоқда,

**Суратда: туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор Н. Собиров фуқаролар билан суҳбатлашаяпти.**

**Мирза АБДУЛЛАЕВ олган сурат.**

## ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

**Андижонда фаолият кўрсатаётган «GM–Ўзбекистон» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳудудида жойлашган 7-ҲЁХҚ шахсий таркиби олдида турган асосий вазифалардан бири ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, содир этилган ёнғинларни тезкорлик билан бартараф этишдан иборатдир. Бунинг учун қисм замонавий махсус ёнғин ўчириш автомашиналари, ўт ўчириш воситалари, аслаҳа-анжомлар ва бошқалар билан жиҳозланган.**

Ёнғинни бартараф этишдан кўра, унинг олдини олган афзал. Буни яхши билган ходимлар объектларнинг ёнғинга қарши ҳолатини мунтазам назорат қилиб боришаяпти. Ташвишоғоҳ қурилмалари, цехлардаги ёнғинга қарши кранлар, гидрантлар, ўт ўчириш қалқонларининг созлиги, яроқлилиги мунтазам текшириб турилади.

Йил бошидан буён 48 та ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ҳолати аниқланди. Цехларда сигарет чекиш, эҳтиёт қисмлар ва кимёвий моддалар сақланадиган омборлар, ёнғин хавфсизлиги шкафларига элтувчи йўлакларни турли буюмлар, кераксиз нарсалар билан тўсиб қўйилиши шулар жумласидандир.

Корхонадаги кўнгилли ёнғин ўчирувчилар ўртасида доимий равишда ёнғинни ўчириш воситаларидан фойдаланиш, кўриладиган дастлабки чоралар борасида машғулотлар ўтказиб бориляпти. Бу уларнинг билим ва кўникмаларини оширишда қўл келмоқда.

Кузги-қишки мавсум олдидан ёнғин ўчириш автомашиналари таъмирланиб, электр узаткичлар, сув насослари ва бошқа жиҳозларнинг созлиги текширилди. Зарур асбоб-анжомлар сақланадиган биноларни иситиш чоралари кўрилди. Ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш, мураккаб вазиятларда аниқ ҳаракат қилишларини таъминлаш мақсадида ўқув-тактик машғулотлар олиб борилмоқда. Унда ёрдамчи хизматлар ҳам иштирок этаяпти.

Кези келганда, ходимлар самарали фаолият юритиши, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Улар учун ётоқхона, ошхона, дам олиш хонаси, спорт зали, ўқув синфлари фаолият юритмоқда.

7-ҲЁХҚ кичик инспекторлари, кичик сержантлар И. Мамараҳимов, А. Эгамбердиев, инспектор, катта лейтенант М. Яҳёев, бўлинма командири, сержант М. Сотволдиев, ҳайдовчи, катта сержант Б. Отахонов ва смена бошлиғи, капитан К. Тўхтасиновлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишаяпти.

«Олов — тилсиз ёв» деб бежиз айтилмаган. Ёнғин йўл қўйилган хатолар билан ҳисоблашмайди. Ёнғин ўчирувчиларга ҳушёрлик ва зийраклик доимо ҳамроҳ бўлиши зарур. Зотан, давлатимиз, халқимиз ўз бойлиги, мол-мулкини уларга ишониб топширган. Ёнғин хавфсизлиги қисми шахсий таркиби бу ишончни шараф билан оқламоқда.

**Н. МАМАЖОНОВ,**
**майор.**



**Маълумки, пиротехник воситалари жуда хавфли ҳисобланади. Агар улар белгиланган тартибда ишга туширилмаса ёнғин келиб чиқиши ҳамда яқин атрофдаги одамларга тан жароҳати етказиши мумкин.**

## ЯНА ПИРОТЕХНИК ВОСИТАЛАР ҲАҚИДА

Шуни ёдда тутиш керакки, бинолар ичида қўлланиладиган фейерверклар, бенгал шамлари ва стол усти фонтанлари учун 0,5 метр, фонтанлар, петардалар ва ер усти фейерверклари учун 5 метр, салютлар, ракеталар, фестиваль шарлари учун 20 метр радиусдаги масофа хавфли ҳудуд ҳисобланади.

Мазкур воситаларнинг кенг тарқалган тури байрам петардасидир. У кучли овоз чиқариш хусусиятига эга. Петарда оддий гугурт каби ёқилиб, ёнувчи бошчасини гугурт қутисига ишқалаш кифоя. Ёқилган петардани қўлда ушлаб туриш тақиқланади.

Манзарали пиротехник воситалардан бири – фонтан деб аталади. У ўзидан ҳуштаксимон, тарсиллаган товушлар чиқаради. Аланга учқуни тез ёнувчи моддаларга тушганда ёнғин юз беради. Шу сабабли уни бинонинг ичида қўллаш хавфли ҳисобланади. Бунга жорий йилнинг 4 декабрь куни Россия Федерациясининг Пермь шаҳридаги «Оқсоқ от» («Хромая лошадь») тунги клубида содир бўлган фожиали воқеани мисол тариқасида келтириш мумкин.

Пиротехник воситаларнинг кенг тарқалган яна бир тури «Рим чироқлари» бўлиб, у юлдузчалар ва уларни отиб чиқарувчи заряддан иборат, кетма-кет жойлашган трубкалардан ташкил топган. Жароҳатлаш хавфи бўлганлиги сабабли, уни қўлда ушлаб туриб ишлатиш тақиқланади. Агар ушбу пиротехник восита ўрнатилган тартибда ишга туширилмаса, отилиб чиқувчи юлдузчаларнинг йўналиши ўзгариб, турли тўсиқларга урилиши ҳамда парчаланиши кузатилади. Оқибатда ёниш давом этиб, ёнғин келиб чиқишига олиб келади.

«Ракета» туридаги пиротехник воситаси ҳам хавфлилик даражаси юқори бўлган қурилма эканлигини унутмаслик керак. Қурилма осмонга учиб чиқиб, ҳавода портлагандан сўнг унинг ёғочдан ишланган стабилизатори ерга тушади. Айрим қурилмаларда стабилизатор сифатида оғир жисмлардан фойдаланилгани сабабли одамлар бўлган жойдан 100-150 м. узоқликда ишга тушириш мақсадга мувофиқдир.

Айрим «тадбиркор»лар уларни олиб келиш қулай бўлиши учун ёғоч дастакларини синдириб, калта қилишади. Бу эса «Ракета»нинг учиш траекторияси ўзгаришига олиб келади. Бунинг натижасида атрофдаги одамларга тан жароҳати етиши, ёнғин келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

Амалиётда қўлбола пиротехник воситалардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Зарб билан улоқтирилган бундай ўрама шаклидаги пиротехник воситаси бирон-бир тўсиқ ёки ерга урилиши билан қаттиқ овоз чиқариб, портлайди. Бунинг оқибатида ўрама ичидаги тош бўлаклари кўринишидаги зарарловчи элементлар отилиб кетиб, атрофдаги одамларга жиддий тан жароҳати етказади.

Шу кеча-кундузда Янги йил байрами арафасида халқ тилида «пақилдоқ» деб аталувчи бу пиротехник воситалар болажонларнинг севимли ва хавфли ўйинчоғига айланади.

Аммо улар оқибатида фарзандларингиз турли куйиш тан жароҳатлари, юз-кўзларига жиддий жароҳат олишлари мумкин. Шу боисдан, бу «Қароқчилик ўйинчоқлари»ни болажонларимиз қўлига тушиб қолмаслигига барчамиз масъулмиз.

**Азиз САЛИМОВ,**
**полковник.**

**«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да иштирок этаётган ходимларимиз ресторан, кафе, дискотека ва бошқа кўнгилочар оммавий тадбирлар ўтказиладиган масканларда ёнгин хавфсизлиги қоида ва талабларини билишлари ҳамда бу маскан раҳбарларидан шунга риоя қилишни талаб этишлари учун зарурлигини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси ИИВ фармойишига илова қилинган ушбу Йўриқномани эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.**

Ресторан, кафе, дискотека ва бошқа кўнгилочар оммавий тадбирлар ўтказиладиган масканлар учун ёнғин хавфсизлиги **ҚОИДАЛАРИ ВА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР:**

– ташриф буюрганлар сони 100 нафардан ортганда дискотека ва ўйинларни, 300 нафардан ортганда эса оммавий тадбирларни бино ертўлаларида ташкиллаштириш тақиқланади;

– барча ертўладан чиқиш эвакуация йўлаклари коридордан ўтмаган ҳолда ташқарига олиб чиқиши лозим;

– ҳар бир алоҳида жойлашган ертўла хонасида 0,9–1,2 м. ўлчамдан кам бўлмаган ҳолда тутун ҳайдаш дарчалари бўлиши керак;

– ертўланинг майдони 700 $м^2$ дан ошмаслиги лозим;

– дискотека ва ўйин залларининг сиғими ҳар бир ташриф буюрган кишига камида 0,65 $м^2$ майдондан ҳисобланиши, ўтириш жойи бўлса, ҳар бир одамга камида 1,8 $м^2$ дан тўғри келиши шарт;

– хонанинг пол қисмидан то шифтигача бўлган баландлиги 3 м. дан кам бўлмаслиги зарур;

– шифт ва деворларга ёнувчи материаллар билан пардоз бериш ҳамда полнинг устига ёнувчи гилам ёки бошқа материалларни тўшаш тақиқланади;

– ҳар бир эвакуация чиқиш йўлагида «Чиқиш» сўзи ёзилган кўрсатгич ўрнатилган бўлиши шарт;

– эвакуация чиқиш эшигининг эни камида 1,35 м ўлчамда бўлиши лозим;

– хонанинг исталган нуқтасидан энг яқин эвакуация чиқиш йўлагигача бўлган масофа 15 м. дан ошмаслиги керак;

– овқат тайёрлаш хоналаридан ташқари барча хоналарда ёнғиндан автоматик равишда хабар берувчи мослама, ёнғин ташвишоғоҳи ва эвакуация авария ёритиш мосламалари ўрнатилган бўлиши шарт;

– дераза-ромларга темир панжаралар ва эвакуация йўлакларига айланадиган турникетлар ўрнатилиши тақиқланади;

– электр симларнинг монтаж усули, ўтказилиши ҳамда ёритиш асбобларининг танланиши «Электр ускуналарни ўрнатиш» қоидаси талаблари асосида бўлиши керак;

– электр ускуна ва анжомларни ёнувчи материалларга ўрнатиш тақиқланади;

– ҳар бир электр ускуна кучланишга қарши автоматик тизимли сақлагич билан таъминланиши керак;

– кабель ва электр симларнинг ҳимоя қобиғи ўз вақтида электр токи қаршилигига текширилиши лозим;

– хоналар бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан 50 $м^2$ га 1 та ёнғин ўчиргич ҳисобида таъминланган бўлиши, ушбу ёнғин ўчиргичлар кўринадиган ҳамда олишга қулай бўлган жойда туриши керак;

– хоналар эшиги эвакуация йўлаги томонга очилиши шарт;

– тадбирларни ўтказиш жараёнида эвакуация чиқиш йўллари ва эшиклар очиқ ҳолда бўлиши лозим;

– тадбирлар ўтказилаётган вақтда очиқ алангали фонуслар ва пиротехник маҳсулотлардан фойдаланиш қатъиян ман этилади;

– объект шаҳар телефон тармоғи билан таъминланиши шарт;

– ишчи-хизматчилар ёнғин ёки фавқулодда вазият содир бўлганда бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш ва қандай ҳаракат қилишларини машғулотлар ёрдамида мукаммал ўзлаштириши лозим.

ДИҚҚАТ!

**Республика ҳудудига ноқонуний равишда олиб кирилаётган, савдо қилинаётган ва фойдаланилаётган пиротехник маҳсулотларни мусодара қилишни расмийлаштириш, уларни вақтинча сақлаш ва йўқ қилиш тартиби ҳақида**

## ВАҚТИНЧАЛИК ЙЎРИҚНОМА

Пиротехник маҳсулотлар ёнғин чиқиш ва портлаш хавфига эга. Уларнинг ёнишидан ажралиб чиқадиган моддалар инсон ҳаёти ҳамда атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Ташқи таъсир омиллари (зарба, қизиш, электромагнит нурланиш ва бошқалар) пиротехник маҳсулотларнинг ўз ўзидан ишлаб кетишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолда улар ёниши, зарба тўлқини ва қурилма қисмлари отилиши билан кузатиладиган портлаш рўй бериши эҳтимолдан холи эмас.

Республика ҳудудига ноқонуний равишда олиб кирилаётган, савдо қилинаётган ва фойдаланилаётган пиротехник маҳсулотлар мусодара этилганда, уларни мусодара қилиш далолатномасига асосан туман, шаҳар ИИБларда рўйхатдан ўтказилади.

Мусодара қилинган пиротехник маҳсулотларни йўқ қилиш мақсадида ҳокимликлар қошида доимий комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг таркибига Давлат ёнғин назорати, солиқ инспекцияси, «Саноатконтехназорат» инспекцияси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, прокуратура ва бошқа тегишли идоралар вакиллари киритилади.

Пиротехник маҳсулотларни йўқ қилиш маҳаллий ҳокимият билан келишилган ҳолда, махсус ажратилган майдончаларда амалга оширилади. Ушбу майдончалар бино, иншоот ҳамда электр узатиш тармоқларидан хавфсиз масофада жойлашиши керак. Маҳсулотларни йўқ қилиш жараёнига алоқаси бўлмаган шахсларнинг майдонча яқинида бўлиши тақиқланади.

Пиротехник маҳсулотларни йўқ қилиш ишлари сув билан бўктириш ва устидан автотехникани юргизиш орқали амалга оширилади. Шундан сўнг йўқ қилинган маҳсулотлар қолдиғи ўрага кўмилади. Амалга оширилган ишларнинг якуни бўйича комиссия томонидан «Пиротехник маҳсулотларни йўқ қилиш далолатномаси» тузилади.

Йўқ қилиш жараёнида тегишли хавфсизлик чоралари кўрилиши керак.

Тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган даврда пиротехник маҳсулотлар ёнғинга чидамлилиги 1-даражали, ёритиш мосламалари плафонли бўлган, ички қисмлари ёнмайдиган материаллардан жиҳозланган бўш хоналарда вақтинчалик сақланади. Ушбу хоналар бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланади.

Бир вақтнинг ўзида хонада сақланадиган пиротехник маҳсулотларнинг миқдори 500 кг. дан ошмаслиги керак.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ фармойишидан.**

## Маърифат дарси




**Иқтисодиёт деганда иқтисодий фаолиятлар, ишлаб чиқаришнинг муайян усули ва инфратузилма муассасаларининг яхлит тизими тушунилади. У мураккаб тизим бўлиб турли даражаларда мавжуд бўлади ва ўрганилади: микродаражада, яъни корхона ва фирмалар даражасида; макродаражада-миллий иқтисодиётлар даражасида ва мегадаражада-глобал ёки жаҳон хўжалиги даражасида.**

# ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Глобал иқтисодиёт деганда халқаро меҳнат тақсимоти, интеграцион тамойиллар ҳамда иқтисодий муносабатларнинг халқаро тизими орқали бир-бири билан чамбарчас боғланган миллий хўжаликлар мажмуаси тушунилади.

Глобал хўжалик тарихи жуда узоқ ва мураккабдир. Миллий хўжаликларни боғловчи воситалардан энг биринчиси савдо бўлган. Савдо-сотиқ туфайли глобал хўжалик доимо ривожланиб, тараққий этиб борган.

Глобал хўжалик таркиби унинг ривожланиш босқичларига қараб ўзгариб бормоқда. Масалан, глобал хўжалигининг биринчи босқичи глобал капиталистик хўжалик танҳо ҳукмронлик қилган даври билан белгиланади. Бу давр мустамлакачи давлатларнинг хўжалиги, мустамлака давлатлар бойлиги ҳисобига ривожланганлиги билан белгиланади. Глобал хўжалик ривожланишининг иккинчи босқичи 1917 йилдан 1990 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу давр глобал хўжаликнинг бир-бирига қарама-қарши икки хўжалик, яъни глобал капиталистик ва глобал социалистик хўжаликлар ҳукмронлик қилганлиги билан характерланади. 1991 йилдан бошлаб глобал хўжалик ривожланишида янги учинчи босқич бошланади. Бу босқич ҳозирги глобал хўжаликнинг яхлитлиги билан фарқланади.

Ҳозирги даврда глобал иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – турли мамлакатлар ва хўжалик регионлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларнинг ўсиб бориши ҳисобланади.

Глобал хўжаликдаги ҳар бир ўзгариш дунёдаги барча мамлакатлар манфаатига таъсир қилади. Ҳар бир мамлакатнинг савдо, ишлаб чиқариш, валюта-молия соҳаларидаги фаолияти жаҳон тамойилларига боғлиқлик-объектив реаллик ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳар қандай мамлакатни, унинг иқтисоди қандай ривожланган бўлишидан қатъи назар, глобал хўжалик алоқаларига жалб қилмасдан унинг тўлақонли иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин эмас.

Шу сабабли Президентимиз Ислом Каримов «Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир», деб таъкидлайди.

Дунё бир-биридан мақсадлари, амал қилиш механизми билан фарқланувчи турли хил ижтимоий-иқтисодий тузумлар, халқаро гуруҳларга бўлинган. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади. Яқин вақтларгача адабиётда социализм дунёси, капитализм дунёси ва учинчи дунё мамлакатлари деган тушунча сингдириб келинди.

Жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари маълум мезонлар асосида туркумланади: 1. Хўжалик тизимлари хусусиятларига кўра: а) ривожланган; б) бозор иқтисодиётида ривожланаётган; в) бозор иқтисоди мавжуд бўлмаган мамлакатлар. 2. Ривожланганлик даражаси бўйича ҳам ўз навбатида учта гуруҳ фарқланади: кам, ўртача ва юқори ривожланган мамлакатлар. Алоҳида ёрқин акс этган иқтисодий белгиларига кўра: а) Шимоли-шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ); б) юқори даромадли нефть экспорт қилувчи мамлакатлар (Саудия Арабистони, Қувайт ва бошқалар); в) энг кам ривожланган мамлакатлар (Эквадор); г) энг камбағал мамлакатлар (Чад, Бангладеш, Эфиопия).

Бу барча турли-туманлик бир бутун яхлитликка ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг ҳар хил жиҳатлари орқали тортилади. Ҳозирги хўжалик алоқаларининг чуқурлашиб бораётганлиги байналмилаллашувининг кучайиши ҳамда фан-техника революциясининг кенг қамровли характери, алоқа ва коммуникация воситаларининг бутунлай янги роли шароитида миллий иқтисодиёт фақат ўз-ўзини таъминлаш орқали самарали амал қилиши мумкин эмас.

Халқаро иқтисодий муносабатларни амалга оширишда жаҳон инфратузилмаси муҳим ўрин тутади. **Товарлар, ишчи кучи, молиявий воситаларнинг миллий чегаралар орқали тўхтовсиз ўсиб борувчи ҳаракати бутун жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиради. Жуда муҳим транспорт тизими (денгиз, дарё, ҳаво, темир йўл транспорти) билан бир қаторда, жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот коммуникациялар тармоғи тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради. Муносиб умумжаҳон инфратузилмаси бўлмаса, ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларнинг байналмилаллашувини ривожлантириб бўлмайди.**

Ҳозирги даврда биржалар, молия марказлари, йирик саноат ва савдо бирлашмалари мисли кўрилмаган тезлик билан маълумотлар олишга ва уларни ишлаб чиқишга имкон берувчи энг янги техник воситалар билан жиҳозланган. Ривожланган мамлакатларда кенг тармоқли ахборот мажмуаси ташкил топмоқда, унинг таъсири амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига ёйилмоқда.

Ҳозирги шароитда илмий ва тижорат ахборотлар айниқса қимматлидир. Шу сабабли турли халқаро даражаларда махсус «маълумотлар банклари» ташкил топмоқда, булар илмий ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун зарур ахборотни қидириб топишни анча енгиллаштиради. Жаҳон инфратузилмаси турли зиддиятларни бартараф қилиш орқали ривожланади.

Халқаро иқтисодий интеграция – бу мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро алоқаларнинг ривожланиши ва миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик-сиёсий алоқаларининг бирлашиш жараёнларидир.

Бу жараён жаҳон хўжалиги ривожининг тарихий жиҳатдан узоқ давр давом этган натижаси ҳисобланса-да, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги кунда ҳам мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўпдан-кўп муаммолар мавжудки, бизнинг республикамиз учун бу ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат.

**Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив характердаги** бир қатор омиллар тақозо қиладики, **уларнинг ичидан қуйидагилар асосий ўринни эгаллайди:**

- хўжалик алоқаларининг байналмилаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- умумжаҳон фан-техника тараққиёти;
- миллий иқтисодиёт очиқлигининг кучайиши.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг шарт-шароитлари ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш имкониятлари республика давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан вужудга кела бошлади. Бундай вазиятда ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришнинг ўзига хос тизимини шакллантириш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойиллар ишлаб чиқиш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўлларини белгилаш тақозо этилади.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этишнинг асоси очиқ турдаги иқтисодиётни вужудга келтиришдир. Шу сабабли республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қисқа давр ичида 100 дан ортиқ давлат билан дипломатия муносабатларини ўрнатди, дунёнинг 20 дан зиёд давлатида дипломатия элчихоналарини очди, кўпгина халқаро ташкилотлар – БМТ иқтисодий муассасалари, жаҳон банки, халқаро банк, халқаро валюта фонди, халқаро молия корпорацияси, иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот каби бошқа халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Республика аъзо бўлиб кирган дастлабки иттифоқ – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (1991 йил тузилган) ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) дир.

Дастлабки даврларда республикамизда ташқи савдо икки йўналиш бўйича: МДҲ мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада ҳисоб-китоб қилиш асосида амалга оширилди.

2008 йил республикамиз ташқи савдо айланмаси 19077,0 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 37,8 фоизи МДҲ мамлакатлари, 62,2 фоизи узоқ хорижий мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорти ҳажми тўхтовсиз кўпайиб бориб, 2008 йилда 11572,9 млн. долларни ташкил қилди, унинг асосий қисми (65,3) узоқ чет эл давлатлари ҳиссасига тўғри келди.

**Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш борасида Юртбошимизнинг қуйидаги фикрини келтириш лозим, албатта.** «Шуниси муҳимки, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари жаҳон бозорида нефть ва газ нархи ошиб бораётган бир шароитда қатор мамлакатларда кузатилаётган ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Яъни, бизнинг иқтисодий ривожланишимиз экстентив ўсиш ва фақат углеводород хом ашёсини зўр бериб тўхтовсиз қазиб олиш эвазига бўлаётгани йўқ. Аксинча, биз аниқ мақсадга қаратилган бозор ислоҳотларини, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан иқтисодий тараққиётга эришмоқдамиз».

Республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шароит яратишга ҳамда зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузишга катта аҳамият берилмоқда. Булар жумласига таваккалчилик хатарлари келтириладиган зарарни қоплайдиган «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясини, турли қўшма суғурта компанияларини, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ билан биргаликда ташкил қилинган инвестицияларга кўмаклашувчи хизматни, Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу муассаса ва ташкилотлар ҳамда республикада вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий инвестиция фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва сарфланган сармоясини кафолатлайди.

**«Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади»** дейилади Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли асарида.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.- Бу маблағларнинг 8,2 миллиарди компания ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 2,5 миллиарди Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт фонди кредитлари ҳисобидан ва 13,5 миллиард доллари хорижий инвестиция ҳамда кредитлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида дунё мамлакатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб, бу миллий иқтисодиётнинг байналмилаллашувини кучайтиради ҳамда иқтисодий тараққиётини юқори босқичга кўтаришнинг асосий ташқи омиллари ҳисобланади.

**С. МИХМАНОВ,**
**Тошкент молия институти доценти.**

## Сиёсий-ижтимоий сабоқ

# ЮРТ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

**«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан бугунги кунимиз ва эртанги келажагимизнинг нафақат моддий томонларини, айни пайтда, маданий ва маънавий савиямизни ошириш, мухтасар айтганда, бутун ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаши муқаррар.**

**Ислом КАРИМОВ.**

**Якунланаётган йил Президентимиз Ислом Каримов томонидан – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинган эди. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, деҳқону боғбон, чорвадорлар истиқомат қиладиган гўшаларни обод жойларга айлантириш масаласига Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берилаётгани яна бир бор исботланди. Чунки қишлоқларни ободонлаштириш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш, тараққий эттириш учун биринчи галда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш зарур, албатта.**



Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, ер ҳосилдорлигини ошириш, дала, боғ неъматларини истеъмолчиларга сифатли қилиб етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини ошириш учун аввалдан замин яратилиб келинди. Ерларнинг ҳақиқий эгасига топширилиши, фермерлик ҳаракатининг бошланишиёқ бебаҳо она заминимизда деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ривожланишида муҳим омил бўлди. Кейинги йилларда етиштирилган дала неъматлари ва чорва маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келяпти.

Юртбошимизнинг ўтган йилдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қишлоқ хўжалиги тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Эндиликда етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳажми, тури билан биргаликда сифатини ошириш, бозорбоп ва рақобатбардошлигини оширишнинг янги имкониятлари ишга солиняпти. Шунинг учун ҳам серқуёш республикамизда етиштирилаётган мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларига бўлган талаб кўпаймоқда. Ўзбекистонда тайёрланган қуруқ ҳамда хўл меваларни қўшни ва хорижий давлатларда севиб истеъмол қилишади. Шу боис ҳам дала неъматларини етиштиришни кўпайтириб, ички ва ташқи бозорга кўплаб етказиб бериш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга катта эътибор қаратиляпти. Чунки ана шу йўл билан фермер хўжаликларининг даромадини кўпайтиришга эришилади. Фермерлар даромадининг ошиши эса, далада меҳнат қилаётган деҳқонлар турмуш шароитини яхшилаш демакдир. Етиштирилаётган ҳосилларни қайта ишлаш, консерваланган, қуритилган, қадоқланган ҳолда экспорт қилиш ҳажми кўпайди. Бунинг учун қишлоқларда қайта ишлаш корхоналари қурилиб кўплаб ёшлар учун янги иш ўринлари очилди. Бу якунланаётган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида олдимизга қўйилган улкан мақсадларнинг асосини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига қимматбаҳо хом ашё етиштиришни кўпайтириш кўзда тутилган. Пахтани қайта ишлаб, газлама, кийим-кечак сифатида тайёрлаб сотиш хом ашё сифатида экспорт қилишга қараганда кўпроқ даромад келтиришини ҳисобга олиб, жойларда хорижий инвесторлар кўмагида тўқимачилик корхоналари барпо этиляпти. Республикамизда келгусида етиштирилган пахта ҳосилининг асосий қисмини қайта ишлаш ва тўқимачилик, тикувчилик маҳсулотларига айлантириб, экспортга чиқариш режалаштирилган.

Қишлоқ тараққиёти ўз навбатида ана шу гўшада яшаётган аҳолига ҳам боғлиқ. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини болалар, ўсмирлар ва ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, биринчи галда ана шу ёш авлоднинг порлоқ келажагини кўзлаб амалга оширилаётган ишлар давом эттирилди. Қишлоқларда шаҳардагилардан қолишмайдиган болалар боғчалари, мактаблар, лицей ва коллежлар қурилиши давом этади. Кўплаб янги бинолар фойдаланишга топширилди. Аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги долзарб ишлар бардавом эттирилди. Айниқса, ёш оилалар учун уй-жой қуришга ер ажратилиб, янги маҳаллалар пайдо бўлаётгани, жойларда йўлларнинг ҳолатини яхшилаш, табиий газ, сув, электр тармоқлари бунёд этилганини айтиб ўтиш жоиз. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек: «Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутади».



Ҳадемай Янги йил бошланади. Ўтаётган йилимизни сарҳисоб қилганда аввало, тузилган режаларнинг бажарилиши назарда тутилади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга оширилган ишлар билан танишмоқчи бўлганлар республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларига бориб кўришлари мумкин, албатта. Қишлоқларда кўпдан бери ечимини кутаётган масалаларнинг асосий қисми ҳал этиляпти, деб бемалол айта оламиз. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, таълим-тарбия масканларининг моддий базасини кучайтириш, тажрибали кадрлар билан таъминлашда муайян ишлар қилинди. Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтиш жоиз. Қишлоқ жойларда қурилиш ишлари олиб бориш учун янги ташкил этилган «Қишлоққурилишбанк» акциядорлик тижорат банки орқали жорий йилда 60 миллиард сўм йўналтирилди. Келаётган йилда эса салкам 530 миллиард сўм йўналтириш кўзда тутилган.

Қишлоқларда қурилиш ишларини жадаллаштириш учун қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар сонини кўпайтириш, маҳаллий хом ашёлар ҳисобига ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ҳажмини бир неча баравар ошириш мўлжалланмоқда. Эндиликда қишлоқларда яшаш шароити шаҳардагилардан қолишмайдиган ҳар томонлама қулай уй-жойлар қуриш бошлаб юборилди. Биргина Қорақалпоғистон Республикасида эксперимент тарикасида 840 та якка тартибдаги уй-жой барпо этиляпти. Келгуси йилнинг март-апрель ойларида кўплаб оилалар ана шу уйларга кўчиб ўтишади.



«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини бажариш учун бор имкониятлар ишга солинди. Бу дастурнинг ижобати келгуси йилларда ҳам давом этиши учун пухта замин яратилган. Биргина якунланаётган йилда мазкур дастурни амалга ошириш учун 2 триллион 612 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга оширилиши лозим бўлган режаларнинг бажарилишида ички ишлар идораларининг ходимлари ҳам муносиб иштирок этишмоқда. Маълумки, республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам милиция таянч пунктлари фаолият кўрсатяпти. Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, милиция таянч пунктлари қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари билан бир бинода жойлашган бўлиб, унинг атрофида инфратузилмалар ташкил этилди ва бу эзгу ишлар келгусида ҳам давом эттирилади. Жойларда кичик цехлар очилган, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, болалар ва ўсмирлар учун спорт майдонлари қурилиб, болажонлар турли тўгаракларга жалб этилган. Қишлоқлар чиройига кўрк қўшиб турган спорт майдончаларининг аксарияти ички ишлар идоралари ходимларининг ташаббуси, саъй-ҳаракати ва бевосита иштирокида бунёд этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамизнинг қишлоқ туманларидаги маҳаллаларнинг учдан бир қисмида йилнинг ўтган даври мобайнида ҳеч қандай жиноятлар содир этилмади. Халқимизда тинчлик, тотувлик ҳукмрон уйда барака бўлади, деган гап бор. Ички ишлар ходимларининг жойларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги катта хизматлари эвазига жойларда жиноятлар сони камайиб, кишиларнинг хотиржам яшаш ва меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратиляпти. Модомики, тинчлик ва осойишталик ҳукмрон экан, олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик, ободончилик ишларида ички ишлар идоралари ходимларининг муносиб ўрни бор.

Ўтиб бораётган йилда кўплаб ёш оилаларга уй-жой қуришлари учун давлат томонидан кредит берилди. Қишлоқ жойларда ёш оилалар учун уй-жой қуришга ер участкалари ажратиб берилди. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, ана шундай имтиёз олган ёш оилалар орасида ички ишлар ходимлари ҳам бор. Янги йилда бу имтиёздан ёш оилалар яна баҳраманд бўлади, албатта. Эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш қишлоқ тараққиётининг жадаллашишига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Қишлоқларда тараққиётга эришиш, фаровонлигини ошириш учун бошланган улуғвор ишлар келаётган йилда ҳам давом этади, албатта. Деҳқончилик маданиятини ошириб, ерлардан мўл ҳосил етиштириш, дала ва боғ неъматларини сархил тарзда эл дастурхонига тортиқ этиш, шунингдек, она заминимизда пишиб етилган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар сонини кўпайтириб, тайёрланган маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилиш имкониятларини излаб топиш ва унумли фойдаланиш диққат марказида бўлади. Қишлоқ гузарлари янада обод бўлиб, замонавий маданий, маиший бинолар, савдо-сотиқ расталари бунёд бўлиб, ҳунармандчилик устахоналари қад кўтариб янги иш жойлари очилади. Шаҳарлардаги уйлардан қолишмайдиган шинам турар-жойлар бунёд этилиши янада кўпаяди.

Бир сўз билан айтганда, яна улуғвор ишларни бажариш йўлидаги ҳаракатлар давом этади. Унинг амалга ошиши келажаги буюк давлатимизнинг янада ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Зеро, Президентимиз айтиб ўтганидек «... қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади».

**М. ЖЎРАБВ,**
**ИИВ ИҲҲҚ ва ЮТБ юристконсульти, майор.**



## Бир жиноят тафсилоти

**Банкка босқинчилик ҳужуми дейилганда, кўпроқ хорижий давлатларда юз берадиган жиноятлар ёки фильмлардаги эпизодлар кўз олдимизга келарди. Лекин худди шундай жиноят шу кунларда, ўз замонамизда содир этилади деб ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди. Аммо ...**

**Шу йилнинг 6 ноябрь тонгини Жиззах шаҳри аҳолиси кўнгилсиз хабар билан кутиб олди. Тахминан тунги соат 03.00 ларда «Асакабанк» давлат акционерлик тижорат банки Жиззах филиалига бир гуруҳ қуролланган шахслар бостириб кириб у ерда хизмат вазифасини ўтаётган шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари З. Саъдуллаев ва В. Бекбўтаевга ҳужум қилишади. Уларни қаттиқ жисмлар билан уриб, жароҳат етказиб, электрошокер ускунаси ёрдамида ҳушидан кетказиб, оёқ-қўлларини елим тасма (скотч) билан боғлаб, ҳар икковининг «Макаров» русумли тўппончасини олиб, банк ғазнахонаси эшикларини очиб киришади. Темир сандиқларни махсус ускуна билан кесиб, кўп миқдорда турли купюраларда АҚШ доллари ва Ўзбекистон миллий валютасини олиб, воқеа жойидан яширинишга муваффақ бўлганлар.**

# УЮШГАН ГУРУҲНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

### ёхуд «Асакабанк» давлат акционерлик тижорат банки Жиззах филиалида содир этилган босқинчилик жинояти ҳақида

Электрошокер таъсир кучини йўқотгач, (тунгги соат 4.30 ларда) қўриқлаш бўлими ходими З. Саъдуллаев ҳушига келиб, Жиззах шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига босқинчилик ҳақида хабар беради. Воқеа жойига зудликда тергов-тезкор гуруҳи етиб келади ва вилоятдаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига шошилинч хабар етказилади.

– Хабар олиниши биланоқ барча шахсий таркиб оёққа турғазилди, – дейди вилоят ИИБ бошлиғи, полковник А. Азизов. – Зудлик билан «Бонг», «Қалъа», «Тутиш» махсус тезкор тадбирлари ишлаб чиқилиб, бутун вилоятда кучайтирилган иш тартибига ўтилди. Бутун куч-воситалар босқинчилик жиноятини фош этишга йўналтирилиб, тадбирларга вилоят ички ишлар идораларининг барча ходимлари жалб этилди.

Содир этилган босқинчилик жинояти ҳақида тезда республика ИИВга хабар берилди, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ, вилоят ҳудудидаги ҳарбий округ, божхона хизмати, чегара қўшинларига махсус хабарномалар юборилди.

Воқеа жойига етиб келган вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг тергов-тезкор гуруҳлари тезда ишни бошлаб юборишди. Босқинчилик содир этилган жой текширувдан ўтказилиб, жиноят содир этган шахсларнинг ҳаракати ипидан игнасигача ўрганилди.

Одатдагидек эксперт-криминалистлар дастлабки хулосани айтишди.

– Босқинчилар банкнинг орқа эшигидан кирганлари маълум бўлгач, биз қулфни қай усулда очилганини экспертизадан ўтказдик, – деди вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, майор Баҳодир Худойбердиев. – Қулф айнан ўз калити ёки нусхаси ёрдамида очилгани аниқланди.

Экспертлар воқеа жойида газ тўппончасидан отилиб, сочилиб кетган қўрғошинларни текширувдан ўтказиб, тўппончанинг русумини аниқлашди. Воқеа жойидан олинган бармоқ излари ҳам пешма-пеш текширувдан ўтказилди ва босқинчилардан бирининг бармоқ изи аниқланди. Экспертиза ишларини олиб боришда республика ИИВ ЭКМ катта эксперти, майор Саидолим Нуриддинов, вилоят ИИБ ЭКБ экспертлари, капитанлар Келдиёр Алибеков ва Алишер Мухторовлар бор маҳоратларини ишга солдилар. Улар пуллар сақланадиган темир сандиқлар қайси ускуна ёрдамида кесиб, очилганини ҳам аниқладилар.

Жиноят қидирув хизмати ходимлари воқеа жойидаги ҳар бир детал, босқинчиларнинг ҳар бир ҳаракати изини синчковлик билан ўргана бошладилар. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимлар бор маҳоратларини ишга солишди. Республика ИИВ, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбар вакилларига фикр-мулоҳазаларини айтиб, кундалик иш юзасидан ахборот бериб боришди. Уларнинг ҳар бир фикри ўрганилиб, хулоса чиқарилди. Жиноят иши бўйича кўплаб тахминлар илгари сурилиб, уларни текшириш учун алоҳида гуруҳлар тузилди.

Вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили, майор Қўчқор Абдуллаевнинг таҳлили кўпчиликнинг диққатини тортди.

– Майор Қўчқор Абдуллаев босқинчилик жиноятини уюштирилишида банк ходимларининг иштироки сезилаяпти, дея фикр билдирди, – дейди вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Ў. Маҳмуджонов. – У ўз тажрибасидан ва воқеанинг тафсилотини пухта ўрганиб, шу фикрга келганди. Айримлар бунга эътироз билдиришди. Аммо унинг фикрида жон бор эди.

– Қоида бўйича банк муассасасида пул сақланадиган омбор, яъни ғазнахонанинг калити уч кишида: банк бошқарувчиси, бош ҳисобчи ва ғазначи (кассир)да бўлади. Омбор очилишида уларнинг ҳар учови иштирок этиши керак бўлади, – дейди биз билан суҳбатда вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ЎМИБ катта тезкор вакили, майор Қўчқор Абдуллаев. – Босқинчилик содир этилган куни ҳар учта калит бир жойга қўйиб кетилган. Банк бошқарувчиси ва бош ҳисобчининг хонасида зирҳланган сейфлар бўлгани ҳолда, калитлар ғазначига топшириб қўйилган. У эса Тошкентга кетган ва калитларни бир ходимага қолдирган. Бош ҳисобчи эса калитларни ғазначи хонасидаги шкафчага қўйишни айтган. Калитларнинг бир жойда сейфда эмас, қулф-калитсиз оддий темир шкафчада қолдирилиши менда шубҳа уйғотди. Босқинчиларнинг ҳаракати ўрганилганда, улар худди билгандай тўғри ғазначининг хонасига кириб калитларни олишган ва ғазнахонани очишган.

Ушбу тахминни жиноят бўйича терговга раҳбарлик қилаётган Бош прокуратура ходимлари, хусусан тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ж.Бўронов ҳам қувватлади. Шунда банк раҳбарлари томонидан ноқонуний валюта операциялари амалга оширилгани фош этилди ва улар ҳибсга олинди. Энди босқинчиликнинг тафсилотларини, жиноий гуруҳ аъзоларини аниқлаш, олиб кетилган маблағлар ва қуролларни топиш вазифаси турарди.

«Асакабанк» ДАТБ Жиззах филиали бош ҳисобчиси М. Альберт ва кредит бўлими мутахассиси У. Санжар дастлабки сўров-суриштирувда ўзларини бу ишдан бехабар кўрсатиб, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлдилар. «Бизга туҳмат қилиб, инсоний шаънимизга тегяпсизлар, юқори идораларга арз қиламиз», деб дағдаға қилдилар. Аммо келтирилган далиллар олдида лол қолиб, айбдор эканликларини тан олишдан бошқа иложлари қолмади.

Калаванинг учини топган изқуварлар энди жиноий гуруҳнинг бошқа аъзоларини ҳам қидириб топиш ва қўлга олишга киришдилар. Жиноий гуруҳ аъзоларининг пулларни олиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида шошилинч чоралар кўрилди. Вилоят ҳудудида эълон қилинган махсус тезкор тадбир бўйича 84 та блок-постлар ташкил этилди. Жиззах шаҳри ҳудудидан чиқиб кетиш йўллари тўлиқ ўраб олинди. Ҳар бир транспорт воситалари, шубҳали шахслар текширувдан ўтказилди. Ҳар бир постда тажрибада кўп синалган хизмат итлари ёрдамидан фойдаланилди.

Бир вақтнинг ўзида вилоят бўйича кенг кўламда «Тозалаш» тадбири бошланди. Гувоҳларнинг босқинчилик содир этилган тунда банк биноси олдида оқ рангли «Дамас» автомашинасини кўрганликлари ҳақидаги кўргазмасига асосан бир ярим мингдан ортиқ оқ рангдаги «Дамас» автомашиналарининг ҳайдовчилари билан суриштирув ўтказилди. Бунда айниқса, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг хизмати катта бўлди.

Барча хизматлар, туман ИИБ ходимлари куну тун тиним билишмади. Гувоҳлар, банк ходимларининг ҳар бир фикри, суриштирувдаги гаплари таҳлил этилиб, мулоҳаза асосида иш олиб борилди. Бирин-кетин жиноий гуруҳ аъзоларининг исми-шарифи маълум бўла бошлади. Ҳар бир шахснинг турар-жойи ХЧК ва ФРБ манзил-маълумот бюроси томонидан тезда аниқланиб, тезкор гуруҳга етказилди. Жиноий гуруҳ аъзолари қуролланган бўлиши шубҳасиз эди, албатта. Шу боис ходимлардан ўта зийраклик ва тез ҳаракат қилишлари талаб этиларди. Ходимларнинг ҳар бири аниқ ҳаракат қилиш учун кўрсатмалар олиб туришди, жиноий гуруҳ аъзоларини тезда аниқлаб, қўлга олиш учун барча имкониятлар ишга солинди.

Бир вақтнинг ўзида МХХ вилоят бошқармаси ва вилоят прокуратураси ходимлари ҳам кечаю кундуз ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда ишладилар ва юқори даражада тезкорлик билан ахборот алмашуви таъминланди.

Дастлаб, босқинчиликни содир этган жиноятчиларнинг икки нафари қўлга олингач, янада фаол ҳаракатланиш лозим бўлди. Чунки гуруҳнинг бошқа аъзолари шериклари қўлга тушганини билса қочиб кетиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам жиноят қидирув ва бошқа хизмат ходимлари деярли дам олишмади. Ҳамманинг фикри-зикри жиноий гуруҳни тезда қўлга олишга қаратилганди.

Бирин-кетин жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олина бошланди. Босқинчилик жиноятини режалаштирган ва ўз атрофига шерикларни жалб этган гуруҳ раҳбарлари, ташкилотчилари қўлга олингач, қолганларини топиш қийин бўлмади. Ҳар бир қўлга тушган шахсдан ашёвий далил ҳам топилди. Воқеа жойидан, гумондор шахслардан олинган ашёвий далиллар экспертлар томонидан текширилиб, жиноятга алоқадорлиги аниқланди.

Беш кечаю кундуз тинимсиз олиб борилган ҳаракатлар натижасида босқинчилик жиноятини содир этган гуруҳнинг барча аъзолари Жиззах, Тошкент, Гулистон шаҳарларида қўлга олиниб, улар банкдан ўғирлаб кетган 217 минг АҚШ доллари ҳамда 46 миллион сўм пуллар жиноятчилар яшириб қўйган жойлардан топилди ва банкка тўлиқ қайтарилди.

Бир вақтнинг ўзида босқинчилар эгаллаб олган «Макаров» тўппончаси ҳамда жиноятда ишлатилган қуроллар, ниқоблар, бошқа анжомлар ҳам далилий ашё сифатида олинди.

Ўн кишидан иборат бўлган мазкур уюшган жиноий гуруҳнинг дастлабки тергов чоғида берган маълумотларидан аниқланишича, улар босқинчиликни амалга ошириш учун қарийб бир йил тайёргарлик кўришган. Жиззах шаҳар Ёшлик маҳалласида яшовчи Э. Рустам ҳеч қаерда ишламайди. Бекорчиликда банкдан пул ўғирлаш фикри уйғонади. Бу ғояни қайноғаси «Асакабанк» ДАТБ Жиззах филиали кредитни молиялаштириш бўлими мутахассиси У. Санжарга айтади. Санжар аввалига кўнмайди, кейин эса катта миқдорда АҚШ долларларини қўлга киритиш мумкинлигини ўйлаб рози бўлади. У бу ишга банк бош ҳисобчиси М. Альбертни жалб этади. Бош ҳисобчи кўпам таранг қилмасдан, катта пул эвазига банкнинг ички тузилишини видеотасмага тушириб беради. Кейин банкдаги пуллар миқдори ҳақида маълумот бериб туради. Э. Рустам гуруҳга Жиззах шаҳридаги Заргарлик маҳалласида яшовчи И. Ҳусниддинни жалб этади. У гуруҳнинг қолган аъзоларини топишда ва жалб этишда анча «тер тўкади». Кейинчалик эса гуруҳнинг бевосита раҳбари бўлади. Қурол, асбоб-ускуналарни топади, пировардида гуруҳнинг ҳар бир аъзосига вазифаларни тақсимлаб беради.

Босқинчилик жиноятини тайёрлашда И. Ҳусниддиннинг «хизмати» катта бўлади. У темир сандиқларни қирқиш учун хорижда ишлаб чиқарилган махсус ускуна («Болгарка»)ни Москва шаҳридан салкам тўрт минг долларга сотиб олиб келади. Яна Тошкент шаҳридан калит ясайдиган мослама сотиб олади. Кишини маълум муддатга ҳушсизлантирадиган электрошокер, газ тўппончаси ва бошқа анжом, ускуна, ашёлар ҳам унинг ташкилотчилигида келтирилади.

Босқинчилик қилишдан аввал банк ходими ёрдамида банк биносининг орқа эшиги қулфининг калитидан нусха тайёрланади. Алоқа воситалари, сигнализация, электр тармоқларининг узиш жойи аниқланади. Киракаш ҳайдовчи танлаб олиниб, унинг хизмати эвазига катта пул ваъда қилинади.

Банкда кўп миқдорда АҚШ доллари ва Ўзбекистон миллий валютаси сақланаётгани ҳақидаги хабарни олган И. Ҳусниддин ишга киришиш ҳақида буйруқ беради. Банк ичида амалга ошириладиган ишларни бош ҳисобчи М. Альберт ва банк мутахассиси У. Санжар бажаради. Айнан ўша куни М. Альберт банк бошқарувчисидан ғазнахонанинг калитини олади, ғазначини Тошкентга жўнатади ва унга калитни қолдиришини айтади. Кейин ўзининг калитини ҳам қўшиб банк ходимасига бериб, кассирнинг хонасидаги темир шкафчага қўйишни буюради.

Ўша машъум тунда банк эшигининг калити, ғазнахонанинг жойлашуви ва ундаги маблағлар ҳақида барча маълумотларга эга бўлган босқинчилар гуруҳи ярим кечада қуролланган ҳолда банкка бостириб кириб, ўзлари аввалдан жойини билган катта миқдордаги маблағларни, АҚШ долларларини эгаллаб яширинишга муваффақ бўлдилар.

– Вилоят ички ишлар ходимлари аввал бундай босқинчилик жиноятига дуч келмагандилар, – деди вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Т. Жуманов. – Лекин эсанкираб қолганлари йўқ. Ҳар бир иш тажрибали ходимлар, раҳбарлар билан бамаслаҳат амалга оширилгани боис, жиноят тез кунларда фош этилди, жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди. Ходимларимиз бунга осонликча эришганлари йўқ. Бутун шахсий таркиб оёққа турди. Ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик билан қилинган ҳаракат туфайли вазифалар тўла уддаланди. Шу ўринда албатта, босқинчиларни аниқлаш, қидириб топиш, қўлга олишда алоҳида хизмат кўрсатган фидойи ходимларимизни санаб ўтиш жоиз. Вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Ў. Маҳмуджонов, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Х. Ахмуродов, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакиллари, подполковник Б. Алиев, майорлар Қ. Абдуллаев, Т. Норқулов, вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, майор Б. Худойбердиев, ЙҲХБ қидирув, суриштирув инспектори, подполковник А. Мавлонов, Жиззах шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, катта лейтенант Л. Исаев, Жиззах тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, капитан Ф. Қобилов ва бошқаларнинг номини келтириш мумкин. Улар вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан моддий рағбатлантирилди. Шунингдек, республика «Асакабанк» ДАТБ томонидан миннатдорчилик рамзи сифатида бошқармамизга хизматда фойдаланиш учун ўнта компьютер жамланмаси вилоят ИИБга совға қилинди. Уларни хизматларга тарқатиб бердик.

– Босқинчилик жиноятини очиб, айбдорларни тутиш билан ходимларимиз катта синовдан ўтишди десак янглишмаймиз, – дейди вилоят ИИБ бошлиғи, полковник А. Азизов. – Республикамиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда фаолият юритишаётганини яна бир бор исботлашди. Босқинчилик содир этилгани ҳақидаги хабар тарқалиши биланоқ республика ИИВ, Бош прокуратураси, ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳамда етук мутахассислар етиб келишди. Зарур маслаҳатлар бериб, биргаликда ҳаракат қилишди. Жиноий гуруҳ фош этилиб, уларни қўлга олиш ва ўғирланган пулларни банкка қайтарилишида уларнинг жуда катта ҳиссаси бор. Ушбу катта шов-шувга сабаб бўлган оғир жиноят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўзаро ҳамкорлиги, ўз вақтида ахборот алмашишлари ҳамда ходимларнинг ўз касбига фидойилиги натижасида қисқа муддатда тўлиқ фош этилди.

Банкда босқинчилик жинояти содир этилиб кўп миқдорда пуллар ўмариб кетилибди деган хабар тарқалганда, очиқдан-очиқ «уларни ҳеч ким тополмайди, халқнинг шунча пули ҳавога соврилгандай кетади», деганлар, жиноятнинг очилишига шубҳа билан қараб, ички ишлар ходимларига нисбатан кинояли гаплар айтганлар ҳам бўлди. Аммо ички ишлар ходимлари шохида юрса ўғрилар баргида юради деганлар тилини тишлаб қолди.

Босқинчилар жиноятни режалаштиришда ва амалга оширишда гўёки ҳамма нарсани ҳисобга олгандай эдилар. Бироқ улар бир нарсани, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг юқори касб маҳорати ва ўз бурчларига садоқатларини ҳамда жиноятга жазо албатта, муқаррар эканлигини ҳисобга олмагандилар.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Тошкент – Жиззах – Тошкент.*




## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

**Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.**

**Акбар Жандарович Устенов.** 1995 йилда туғилган. Янгийўл тумани Қоратепа маҳалласи, рақамсиз уйда яшаган. 2008 йилнинг 19 ноябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 150-160 см, қошлари, сочи сариқ.

**Кийимлари:** қора куртка, ёнида кўк чизиқлари бор қора спорт шими, қора футболка, қора кроссовкада бўлган.

**Алоҳида белгилари:** пешонасининг ўнг томонида 2 см.ли, ўнг оёғида 1х11 см.ли чандиғи бор.

**Нурсултан Тўлқинович Оулбеков.** 1991 йилда туғилган. Янгийўл тумани Чангтепа маҳалласи Гулбаҳор кўчаси, рақамсиз уйда яшаган. 2009 йилнинг 8 ноябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, сочи қалин, қора, кўзлари, қошлари қора, бурни, қулоқлари ўртача катталикда.

**Кийимлари:** жигарранг спорт костюми, кўк свитер, кўк жинси шим, оқ кроссовкада бўлган.

**Алоҳида белгилари:** гапира олмайди, умуман эшитмайди.

**Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Янгийўл тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

**Бухоро вилояти Ғиждувон тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.**



**Фаррух Зарипович Ҳотамов.** 1992 йилда туғилган. Ғиждувон тумани Мазраган қишлоғида яшаган. 2008 йилнинг 17 октябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 135 см, кўзлари қора, сочи маллаunion, лаблари ингичка.

**Кийимлари:** қора костюм, оқ, енги калта кўйлак, кўк жинси шим, қора туфлида бўлган.

**Алоҳида белгилари:** ўнг қовоғида 1 см.ли чандиғи бор.



**Юлдуз Ҳамзаевна Олимова.** 1995 йилда туғилган. Ғиждувон тумани Қумбости қишлоғида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 160 см, қошлари, кўзлари қора, лаблари ингичка, сочи маллаunion.

**Кийимлари:** оқ кофта, қора жакет, қора юбка, қора туфлида бўлган.

**Юқорида номлари зикр этилганларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Ғиждувон тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

**Бухоро шаҳар ИИБ томонидан бедарак йўқолган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.**



**Анатолий Анатольевич Баринов.** 1969 йилда туғилган. Бухоро шаҳар Мурувват уйида яшаган. 2008 йилнинг 18 ноябрь куни Мурувват уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 175-178 см, сочи, қошлари маллаunion, ёйсимон, кўзлари жигарранг.

**Кийимлари:** қора шапка, қора куртка, кўк жемпер, қора трико ва кроссовкада бўлган.

## ҚИДИРИЛМОҚДА



Самарқанд вилояти ИИБ томонидан 1967 йилда туғилган **Ойсара Ҳамроқуловна Жамилова** жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда. У Самарқанд шаҳар Чашма-Хизр кўчаси 2- бурилиш, 15-уйда яшаган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, қорачадан келган, сочи, кўзлари, қошлари қора.

О. Жамиловани кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Самарқанд вилояти ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

## ДИҚҚАТ, ФИРИБГАР!



Сирдарё вилояти ИИБ Тергов бошқармаси томонидан 1980 йилда Бухоро шаҳрида туғилган Ҳаётжон Жабборович Фармонов фирибгарлик жинояти содир этгани учун тергов қилинмоқда. У вилоятда яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг ишончига кириб, ўзини Республика Бош прокуратураси ходими сифатида таништирган. Фуқаролардан бирининг яқин қариндошини жавобгарликдан озод қилиш эвазига 10 минг АҚШ доллари олаётган пайтида қўлга олинган.

Ҳ. Фармонов республикамиз ҳудудида яшовчи бошқа шахсларга нисбатан ҳам фирибгарлик қилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, Унинг алдовига учиб, жабрланганлардан Сирдарё вилояти ИИБ Тергов бошқармасига мурожаат қилишларини сўраймиз. Бу Ҳ. Фармоновнинг жиноий ҳатти-ҳаракатларини қонунан тўғри баҳолашга ёрдам беради. Ишонч телефонлари: (8-367) 225-09-07, 225-27-94.

### ЭЪЛОН

Газетамизда бедарак йўқолганлар ва қидирувдаги жиноятчи шахслар ҳақидаги хабарлар юбораётган ички ишлар идоралари раҳбарларидан ўшбу шахслар фотосуратларининг аслини ёки электрон вариантини юборишларини сўраймиз. Шунда қидирувдаги ва бедарак йўқолган шахслар сурати сифатли чоп этилиб, уларни топиб олиш имконияти ортган бўларди.

**Таҳририят.**

Республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошлиқ ўринбосари, подполковник Ф. Жўраевга волидаи муҳтарамаси

**КУБАРО аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник

**Маматқул ШЕРҚУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Қўл жанги

**Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди.**
**И. КАРИМОВ**



# МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР, МУНОСИБ ҒАЛАБА

**Мамлакатимизда спорт жадал суръатларда ривожланмоқда. Бунинг самарасини спортчиларимизни дунё спорт ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётганидан кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам ходимлар ўртасида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга катта эътибор берилаётир. Спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказилиши ички ишлар ходимларининг жисмонан бақувват ҳамда маънан баркамол бўлишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Аввал хабар берганимиздек, Гулистон шаҳрида қўл жанги бўйича республика ИИВ биринчилиги ўтказилди. Ўтган шанба куни мусобақа ғолиблари маълум бўлди.

Беллашувлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, муросасиз баҳсларда 21 жамоадан 126 нафар қўл жанги усталари ғолибликни қўлга киритиш учун бор маҳоратларини намойиш қилишди. Аммо шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олиш фақат кучлиларгагина насиб этди.

65 килограмм вазн тоифасидаги беллашувлар қизғин тус олди. Унда республика ИИВ Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг 3-курс курсанти Талъат Ғуломовга тенг келадигани топилмади.



Мусобақа ғолибларидан бири — Талъат Ғуломов

Шунингдек, Самарқанд вилояти ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди командири ўринбосари, катта лейтенант Сухроб Тагиев, Навоий вилояти ИИБ АВВСО фельдшери, сержант Шуҳрат Ҳасанов, Самарқанд вилояти ИИБ АВБСО гуруҳ командири ўринбосари, сержант Шуҳрат Мардиев, ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби навбатчилик қисми навбатчиси, катта лейтенант Маҳаммадризо Холмирзаев, Бухоро вилояти ИИБ ЭКБ эксперти, лейтенант Миржон Асадовлар ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти ИИБ жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар ИИВ Академияси ҳамда ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби қўл жанги усталарига насиб этди.

– «Қўл жанги»нинг ички ишлар идоралари ходимлари учун аҳамияти жуда катта, – дейди республика ИИВ ШТБИХ бўлим бошлиғи, подполковник А. Сулаймонов. – Негаки, осойишталик посбонларининг бевосита хизмат жараёнида ушбу спорт тури жуда асқотади. Айтиш мумкинки, бу галги баҳсларга спортчилар астойдил тайёргарлик кўришган экан. Буни беллашувлар қизғин тус олганлиги билан изоҳлаш мумкин. Гувоҳи бўлганингиздек, фақат жисмоний тайёргарлиги яхши, кучли қўл жанги усталари ғолиб бўлди.

– Ғолиб бўлишимга ишонардим, – дейди республика ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг 3-курс курсанти Талъат Ғуломов. – Тинимсиз ҳаракатлар, машғулотларни ўтказиб юбормасдан, ўз вақтида шуғулланишим, шу билан бирга, мураббийларимнинг керакли кўрсатмалари мусобақа давомида қўл келди. Келгусида режаларим улкан. Бундан-да юқори натижаларни қайд этиб, устозларим юзини ёруғ қилиш.

Мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимини Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғи, полковник П. Сафаров кириш сўзи билан очиб, спортчиларни қизғин табриклади ва келгуси ишларига муваффақиятлар тилади. Сўнг ғолиб жамоа ва спортчиларга Ички ишлар вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**
**Суратларда:** мусобақалардан лавҳалар.
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**



1-ўринни эгаллаган Самарқанд вилоят ИИБ жамоаси аъзолари

## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда



*«Кимки ёнғинни ўчирса ёки сув тошқинини бартараф этса унга шаҳидлик савоби берилур»*
*Ҳадисдан*

## Етти кун сабоғи

# БЕТГА АЙТОЛМАГАН ГАПЛАРИМ

Газетада ишлаб юрган кезларим эди. Узоқ вилоятга хизмат сафарига бориб, мақолалар учун анча-мунча материаллар тўплаб юргандим, мезбонлар орасидан бир киши «Мухбир ука, мени ҳам бир газетага ёзинг», деб роса ўзини мақтай кетди. У қилдим, бу қилдим деган гапларнинг чегараси кўринавермагач:

– Ака сиз ҳақингизда ёзса бўларкан-у, аммо газетада чиқариб бўлмас экан, – дедим.

– Нега? – деди у таажжубланиб.

– Сиз жуда кўп ишлар қилган экансиз, уларни ёзган билан газетага сиғдириб бўлмайди. Шунинг учун сиз ҳақингизда яхшиси китоб ёзиш керак, – дедим. Аммо сиздай мақтанчоқ кимса ҳақида нима ҳам ёзиш мумкин, деб айтолмадим.

* * *

Бир меҳмондорчиликда ноқулай вазият юзага келди. Меҳмонлардан бири уй эгаси – мезбон билан бир масалада баҳслашиб қолди. Ҳа, сиз қуяқолинг дейишимизга қарамай шеригимиз, «Йўқ ундай эмас, бундай», деб ўзининг ноўрин фикрида қаттиқ туриб олди. Уй эгаси ҳақ бўлса-да, таомилга кўра меҳмонни хафа қилмаслик учун унинг гапини маъқуллади. Биз ҳам низо катталашиб кетмаслиги учун шеригимизнинг гапига қўшилишга мажбур бўлдик.

Бироқ мезбонни ноқулай аҳволга қўйганимиз учун шеригимизнинг ўрнига ундан секингина кечирим сўрасак-да, «Узр акажон, шеригимиз кимлигини яхши билмасдан туриб, у билан бирга юрган ва унинг гапини маъқуллаган биз ҳам бир нодонмиз-да», деб айтолмадик.

* * *

Мактабда дарс бераётган ўқитувчимиз ҳалоллик, тўғрисўзлик, бировни алдамаслик, ўзгалар ҳаққига хиёнат қилмаслик ҳақида кўп гапирди. Ҳатто ёлғончиларнинг қандай беобрў бўлганликлари ҳақида мисоллар ҳам келтириб ўтди. Дарс охирида бизга қараб, Мавзу бўйича саволлар борми? — деб сўради.

Бир-икки нафар ўқувчи савол берди. Аммо мен,— Сиз нима учун ўтган куни дўконда фалончи акага ёлғон гапирдингиз? — деган саволни беролмадим.

* * *

Меҳнат таътили вақтида қишлоққа боргандим. Бир тўйда мактабдош дўстлардан бири мени кўриб, илтифот қила кетди.

– Вой, дўстим бормисан, ишларинг яхшими, яхши юрибсанми, ҳа, мундоқ келганингда шу ерда фалончи дўстим ҳам бор деб, уйга ҳам бир кирмайсан-а! Илгарилари тез-тез келиб турардинг. Кейинги пайтда нуқул фалончи акаларникига, писмадончи ўртоқлариникига келибди, деб эшитаман. Биласанми, аслида энг яқин дўстинг менман! Чунки, болаликда иккимиз энг яқин жўра бўлганмиз. Отам ҳам отангнинг энг яқин жўраси бўлади. Сен ҳам менга энг яқин жўрамсан, билдингми! – деди.

– Биламан дўстим узр, бу сафар келганимда албатта, уйингга бораман, – дедим. Аммо йигирма йилдан бери бир маротаба «Дўстим бормисан», деб сўраб келмаган, ақалли телефон орқали бўлса-да бир бор ҳол сўрамаган сиздек «яқин дўст»нинг уйига қандай қилиб, бораман, деб айтолмадим.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ.**

***ТАБРИКЛАЙМИЗ!***

***Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ бригадаси инспектори, кичик сержант Аъзам ХАЙИТОВни таваллуд куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилаб қоламиз. Шарафли хизматида омад ҳамиша ёр бўлсин.***

***Эҳтиром билан ҳамкасблари ва бир гуруҳ дўстлари.***

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ.**
Ҳафтанинг биринчи ярмида дўстлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш лозим бўлади. Гарчи атрофингиздагилар хайрихоҳдек кўринсаларда эҳтиёткорлик билан муомала қилишни маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг иккинчи ярми нисбатан қулай келиши мумкин.

**СИГИР.**
Янги йил арафасидаги ҳафта саргузаштларга бой бўлиши кутиляпти. Истакларингиз ўз-ўзидан ижобат бўлаётгандай туюлади. Мақсадли ҳаракат, тер тўкиш, изланиш туфайли эришасиз, албатта. Янги билимларни эгаллаш иштиёқида бошлаган ҳаракатни охирига етказинг. Ҳафтанинг сермаҳсул бўлиши ўзингизга боғлиқдир.

**ЭГИЗАКЛАР.**
Янги билимларни эгаллаш, тафаккурни бойитиш, илғор тажрибаларни ўрганиш учун қулай ҳафта бўлиши кутилмоқда. Хорижликлар билан суҳбатлашиш, узоқ сафар, саёҳатга чиқишга ҳам имконият туғилиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида тасодифий учрашувлар, таваккал, эҳтиросли ўйинлардан йироқ бўлишни маслаҳат берамиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА.**
Юлдузлар бу ҳафта суғурта, инвестиция, кредит масалаларини ҳал этиш учун яхши имкониятлар юзага келишидан хабар беряпти. Ишқий муносабатларда эҳтиёткор бўлишни маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг иккинчи ярми нисбатан омадли келиши кутилмоқда. Ака-ука, қариндош-уруғлар билан қарама-қаршиликка бормай, ён босиб, муросага келиш лозим бўлади.

**АРСЛОН.**
Шахсий муносабатларда, айниқса, эр-хотинлар ўртасидаги аҳилликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг. Бир-бирингизни тушуниш, ўзаро ишонч муносабатни янада яхшилаш омили эканини унутманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида роса тер тўкиб ишлашга тўғри келади. Аниқ режа асосида ҳаракат қилсангиз мақсадга эришиш осон кечади.

**БОШОҚ.**
Юлдузлар бу ҳафтада саломатликни тиклаш, мустаҳкамлаш билан шуғулланиш лозимлигини уқтиряпти. Даволаниш учун тиббий муассасалар хизматидан фойдаланишга вақт ажратиш керак бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярми иқтидорингизни, тажрибангизни амалда кўрсатиш учун қулайдир. Бу моддий сарф-харажат талаб этишини ҳам эслатиб ўтамиз.

**ТАРОЗИ.**
Ҳафтанинг биринчи ярми ҳис-туйғуларга бой бўлади. Ёшлар севиш, севилиш бахтига муяссар бўлишади. Биринчи бор учрашганлар бир-бирларини яхшилаб ўрганишлари лозим бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида уй-рўзғор юмушларига вақт ажратинг.

**ЧАЁН.**
Бу бурждагилар уй, хонадондаги муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланишларига тўғри келади. Хотиржамлик, иноқлик, яхши кайфиятли бўлишга ҳаракат қилинг. Ишонч, аҳиллик бор жойда муносабатларга путур етмаслигини эслатиб ўтамиз. Ёлғон хабарларга ишониб қолмаслик учун етти ўлчаб бир кесган маъқул.

**ЁЙ.**
Ҳафта дилкаш суҳбатларга бой бўлиши кутиляпти. Қисқа сайру саёҳат, шунингдек, табиат бағрида дам олиш учун ҳам қулай бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида молия масалаларини ҳал этишда синчковлик, эҳтиёткорлик талаб этилади. Дўстлар, яқинлар билан молия масалалари, тижорат иши режаларини муҳокама қилмасликни маслаҳат берамиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**
Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярми молия, пул масалаларида омадли келишидан дарак беряпти. Савдо-сотиқ ишларида ички туйғуларга қулоқ тутиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Ҳафтанинг иккинчи ярмида раҳбарлар, таниқли кишилар билан хафалашиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

**ҚОВҒА.**
Ички ҳиссиёт янги режалар тузишга ундайди. Иккиланмасдан киришаверинг, самарали якунланишига шубҳа йўқ. Руҳий жиҳатдан ривожланиш, юксалиш имконияти ҳам туғилиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида айрим қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади. Эҳтиросли ўйинлардан йироқ юриб, мириқиб дам олишга вақт ажратинг.

**БАЛИҚ.**
Ҳафтанинг биринчи ярми дам олиш, дўстлар даврасида кўнгилочар жойларга бориш учун қулай бўлиши кутиляпти. Ўтган кунлардаги яхши воқеаларни эслаб, кайфиятни кўтариб олиш мумкин бўлади. Таваккал ишлар, эҳтиросли ўйинлардан йироқ бўлган маъқул. Катта миқдорда кредит олиш учун кейинроқ ҳаракат қилишни маслаҳат берамиз.

**ДИҚҚАТ!**

# «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

*Ҳурматли юртдошлар!*

***Биз, ички ишлар идоралари ходимлари Сизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришингиз учун масъулмиз. Шу боисдан, Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.***

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-371) 233-22-33<br>(8-371) 233-39-39 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-361) 222-56-76 |
| Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси | (8-371) 232-03-30 |
| Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-374) 224-87-50 |
| Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-365) 224-64-86 |
| Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-372) 226-03-02 |
| Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-436) 223-06-71 |
| Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-369) 226-60-55 |
| Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-366) 233-00-00 |
| Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-367) 225-33-30 |
| Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-376) 227-25-51 |
| Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-371) 264-18-32 |
| Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-373) 224-29-08 |
| Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-362) 226-37-10 |
| Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси | (8-375) 221-82-45 |
| Транспорт Ички ишлар бошқармаси | (8-371) 252-61-39 |
| ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси | (8-371) 236-23-70 |

**Самарқанд вилояти ИИБ марказий аппарати, соҳавий хизматлари ва шаҳар-туман ИИБлардаги «Ишонч телефонлари»нинг РЎЙХАТИ**

| | |
|---|---|
| Вилоят Ички ишлар бошқармаси | (8366) 233-00-00 |
| Вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси | (8366) 221-81-81 |
| Вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси | (8366) 233–06-32 |
| Вилоят ИИБ Тергов бошқармаси | (8366) 233-50-75 |
| Вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси | (8366) 231-04-67 |
| Вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси | (8366) 231-09-16 |
| Вилоят ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси | (8366) 231-13-95 |
| Вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси | (8366) 233-04-74 |
| Самарқанд шаҳар ИИБ | (8366) 233-00-01 |
| Каттақўрғон шаҳар ИИБ | (8366) 455-40-02 |
| Оқдарё тумани ИИБ | (8366) 492-50-02 |
| Булунғур тумани ИИБ | (8366) 442-22-02 |
| Жомбой тумани ИИБ | (8366) 475-12-12 |
| Иштихон тумани ИИБ | (8366) 629-11-02 |
| Каттақўрғон тумани ИИБ | (8366) 414-28-83 |
| Қўшработ тумани ИИБ | (8366) 646-14-57 |
| Нарпай тумани ИИБ | (8366) 231-98-11 |
| Пайариқ тумани ИИБ | (8366) 425-16-48 |
| Пастдарғом тумани ИИБ | (8366) 465-20-02 |
| Пахтачи тумани ИИБ | (8366) 403-12-02 |
| Самарқанд тумани ИИБ | (8366) 616-24-58 |
| Нуробод тумани ИИБ | (8366) 231-98-83 |
| Тайлоқ тумани ИИБ | (8366) 666-52-99 |
| Ургут тумани ИИБ | (8366) 483-01-67 |

**ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳрида, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

**Маълумот учун телефонлар:** 232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.
**Манзил:** Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.
**Мўлжал:** Бешёғоч майдони, Муқимий театри.

ISSN 2010-5355
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**
Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Muhabbat IBRAGIMOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88;
**Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganiigini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etiidi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yii 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-8645. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57482 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**